БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 179

17 ОКТЯБРЬ ЯКШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ Севастополь шаҳрини Қизил Байроқ ордени блан мукофотлаш тўғрисида (1-нчи бет).

Пахта далаларида байрамолди мусобақасини янада кучайтирайлик! Қ. Аҳмедов. — Сифат учун курашилмаётир. **Ж. Рустамов.** — Йиғим-терим ишларини муваффақиятли ўтказишда ҳал қилучи куч (1-нчи бет).

В. Поликарпов. — Қаҳрамонлик эпопеяси (2-нчи бет).

У. Исломов. — Маданий-оқартув муассасаларининг ишини тубдан яхшилайлик (2-нчи бет).

Район газеталарининг саҳифаларидан (2-нчи бет).

Колхоз ва совхозларда пахта териш машиналарини тўхтовсиз ишлатиб, давлатга тобора кўпроқ пахта топширайлик! Б. Халилов, Т. Рўзибоев. — Гулистон нега илғорликни қўлдан бериб қўйди? **В. Холматов.** — Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилмаётир (3-нчи бет).

КИНО. **А. Пўлат.** — «Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси» (3-нчи бет).

С. Абдуқаҳҳор. — Муҳим топшириқ (3-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг IX сессияси (4-нчи бет).

Хавфсизлик Кенгашида (4-нчи бет).

Район газеталарининг энг муҳим вазифалари

Коллектив пропагандист, агитатор ва омманинг ташкилотчиси бўлган совет матбуоти халқ блан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг манфаатлари учун хизмат қилмоқда, қаҳрамон халқимизни коммунистик руҳда тарбияламоқда, кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий кучи ва ғайратини партия, ҳукуматимиз томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар этмоқда. Совет матбуоти ўзининг бутун шонли тарихида ҳечқачон ҳозиргидек халққа яқин турмаган ва халқнинг бунчалик зўр ишонч ва самимий муҳаббатига сазовор бўлмаган эди.

Совет матбуоти — ижод этучи, янгиликлар яратучи, ташкил қилучи, кишиларда ижодий фикр уйғотучи, мустаҳкам принципли, чуқур ғояли матбуотдир, партиямизнинг энг ўткир ва энг кучли қуролидир. Партия бу қурол ёрдами блан ўз тилида, ўзига зарур бўлган тилда омма блан ҳар куни, ҳар соат гаплашиб туради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети матбуотнинг социалистик жамиятимиз ҳаётидаги ролини оширишга алоҳида э'тибор бериб, йил сайин янги газеталарнинг сонини кўпайтирмоқда ва уларнинг олдига тобора катта талаблар қўймоқда. Кейинги йилларда областимизда бирқанча район ва шаҳар газеталарининг, шу йилдан бошлаб ўзбек ва рус тилларида область газеталарининг чиқарибошлаганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Областимиздаги бирқатор район ва шаҳар газеталари партия ташкилотларининг бевосита раҳбарлиги ва ёрдами блан ўзларининг олижаноб вазифаларини муваффақиятли бажармоқдалар, меҳнаткашларни КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларни амалга ошириш учун курашга сафарбар этмоқдалар, омма орасида олиб бориладиган ташкилий-сиёсий ишларнинг савиясини ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтаришга э'тиборни кучайтирмоқдалар.

Пахтакорларимиз йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат самараларини йиғиб-териб олаётган ҳозирги ҳал қилучи, мас'улиятли кунларда уларга яқиндан ёрдам бериш, бутун куч ва воситаларни йиғим-терим сур'атини тезлатишга сафарбар этишда партия ташкилотларига кўмаклашиш, ҳозирги пайтнинг ҳар куни ва соати ғаниматэканлигини кенг колхозчилар оммасига пухта тушунтириш — район газеталарининг шу кеча-кундузлари энг муҳим вазифасидир.

Сирдар'ё районида чиқадиган «Қизил юлдуз», Мирзачўл районида чиқадиган «Колхоз меҳнати» газеталари пахта йиғим-терими ишларини ўз саҳифаларида анчагина дуруст ёритмоқдалар, илғор теримчи, механик-ҳайдовчи, звено ва бригада бошлиқларининг, колхоз раисларининг мақолаларини мунтазам суратда босиб чиқармоқдалар. Бу газеталарнинг саҳифаларида пахта тайёрлаш илғорларининг тажрибалари кенг пропаганда қилинмоқда, қолоқлар кескин танқид остига олинмоқда. «Қизил юлдуз» ва «Колхоз меҳнати» газеталарининг ютуғи шундаки, газетада иштирок этаётган мухбирларнинг асосий кўпчилиги колхоз қишлоғининг илғор кишилари, колхоз ишлабчиқаришининг миришкор новаторларидир. Улар ўзларининг хабар ва мақолаларида колхоз қишлоғининг бой ва ранг-баранг ҳаётини ёритмоқдалар, қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибаларини оммалаштирмоқдалар, колхоз, совхоз ва МТС ишидаги нуқсонларни дадилик блан очиб ташламоқдалар. Мирзачўл ва Сирдар'ё районларининг пахта тайёрлашда областьда биринчи ва иккинчи ўринда боришларида район газеталарининг ҳам роли катта.

Шу блан бирга ўз вазифасини яхши бажармаётган, пахта йиғим-теримини қониқарсиз ва бирёқлама ёритаётган айрим район газеталари борлигини ҳам та'кидлаб ўтиш керак.

Ўртачирчиқ районида чиқадиган «Мўл ҳосил учун» (редактори ўртоқ Абубакиров) ва Пискент районида чиқадиган «Пахта учун кураш» (редактори ўртоқ Воҳидов) газеталари саҳифаларида пахта йиғим-теримига оид материаллар камдан-кам босилмоқда, босилаётган ба'зибир мақолаларнинг савияси ҳозирги талабга мутлақо жавоб бермайди. «Мўл ҳосил учун»да ёритилаётган пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига оид танқидий материаллар кўпинча бирёқлама, бир-бирига ўхшаш, бир қолипда ёзилган стандарт жумлалар ва умумий иборалардан иборат бўлади. Ўртачирчиқ райони пахта тайёрлашда областьнинг энг қолоқ районларидан бири бўлишига қарамай, бу қолоқликнинг сабаблари газета саҳифаларида дадил очиб ташланмаётир. Редакция ходимлари кундалик графикнинг бажарилишини та'мин этаолмаётган колхоз раҳбарларини, машина блан пахта теришни барбод қилаётган МТС директорларини қаттиқ танқид қилиш ўрнига, уларни бир-биридан унча фарқ қилмайдиган стандарт, та'сирсиз, ўтмас жумлалар блан айблашга одатланиб қолганлар.

Пискент районида пахта териш машиналаридан фойдаланишга ўтакетган мас'улиятсизлик блан қаралаётганлиги тўғрисида хабарлар келмоқда. Лекин, район газетаси энг қимматли техникага бундай нотўғри муносабатда бўлаётган айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатларига кескин зарба бермаётир, терим машиналарининг ишлашини ҳархил сабаблар блан пайсалга солаётган колхоз раҳбарларини кескин танқид қилишга жур'ат этмаётир.

Пахта тайёрлашнинг ҳозирги ҳал қилучи даврида матбуотнинг вазифалари мас'улиятли ва фахрлидир. Ҳарбир газета редакцияси шу кунларда ҳарқачонгидан ҳам оператив ишлаши, ўзининг коллектив пропагандист, коллектив агитатор ва коллектив ташкилотчилик ролини садоқат блан бажариши лозим. Пахта далаларида олиб борилаётган қизғин ишларни, Улуғ Октябрь байрами ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақанинг боришини тўла ёритиб туриш, пахта теримида ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатаётган илғорларнинг тажрибасини кенг пропаганда қилиш — барча район газеталарининг энг муҳим бурчидир. Шу блан бирга матбуотимиз пахта тайёрлашдаги қолоқликнинг сабабларини, ишдаги камчиликларни юз-хотир қилмай очиб ташлаши, бюрократларни, кўзбўямачи ва иш'ёқмас-дангасаларни аёвсиз фош қилиши, газета саҳифасида танқиднинг савияси ва та'сирини кучайтириши керак.

Мухбир — матбуотимизнинг армияси, таянчидир. Газеталаримиз мухбирларнинг ёрдами блангина ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари мумкин. Уларнинг ёзган мақола ва хабарлари, меҳнаткашларнинг хатлари газетанинг мазмунини бойитади, уни жонли ва та'сирли қилади. Ҳозирги пайтда қишлоқ мухбирларининг бутун кучларини олдимизда турган ғоят муҳим вазифаларни бажаришга қаратиш зарур. Ҳарбир газета редакцияси авторлар активи блан тинмай иш олиб бориши, уларга тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб туриши лозим.

Областимиз пахтакорлари бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуият ҳарқандай шароитда бўлса ҳам бажарилиши шарт. Бунинг ғоят катта сиёсий-хўжалик аҳамиятини колхозчиларга пухта тушунтириш, уларни янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантириш — район газеталарининг шарафли ишидир. Шунга эришиш керакки, ҳарбир район газетасида ёзилган хабар ва мақолалар ўзининг ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксаклиги, актуаллиги, ранг-баранг ҳаётимизни тўла ва ёрқин акс этдириши блан газетхонларимизни мамнун этсин, меҳнаткашлар қалбида янги ғайрат ва эҳтирос ҳосил қилсин.

Район партия комитетларининг ўз матбуот органларига кун сайин, конкрет раҳбарлик қилиши газета ишларини яхши йўлга қўйишнинг энг муҳим шартидир. Партия органлари газета ишларига доим йўл-йўриқ кўрсатиб туришлари, газеталарнинг мазмунини яхшилашга э'тибор беришлари, редакцияларни снёсий жиҳатдан синалган ва ихтисосли кадрлар блан мустаҳкамлашлари керак.

Бу йил етиштирилган мўл пахта ҳосилини сра нобуд қилмасдан йиғиб-териб давлатга топшириш соҳасида олдимизда ғоят катта ва мураккаб вазифалар турипти. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бу улуғ вазифани муваффақиятли бажаришда партия, совет ташкилотларига яқиндан ёрдам бериш, совет пахтачилигини тобора ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш — матбуотимизнинг энг шарафли бурчидир.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Севастополь шаҳрини Қизил Байроқ ордени блан мукофотлаш тўғрисида

1854—1855 йилларда Севастополь қаҳрамонона мудофаа қилинганлигининг 100 йиллиги муносабати блан ва Севастопольнинг Ватанимиз олдидаги буюк хизматларини тақдирлаб, **Севасто поль** шаҳри **Қизил Байроқ** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил 16 октябрь.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 16 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Мирзачўл	1,66	64,46	Ховос	1,48	45,16
Сирдар'ё	2,07	63,96	Бекобод	1,31	41,70
Верхне-волинск	2,03	59,86	Янгийўл	1,63	41,34
Гулистон	1,84	58,78	Пискент	1,26	39,94
Оржоникидзе	2,02	54,17	Октябрь	1,57	39,85
Юқоричирчиқ	1,87	52,41	Оҳангарон	1,17	39,67
Калинин	1,71	51,00	Қуйичирчиқ	1,61	38,32
Чиноз	1,54	48,03	Ўртасарой	1,28	37,08
Оққўрғон	1,58	46,59	Ўртачирчиқ	1,15	35,64
Бўка	1,91	45,55	Паркент	1,31	29,91

Пахта далаларида байрамолди мусобақасини янада кучайтирайлик!

Д. МАМАЖОНОВА,
Октябрь районидаги Сталин номли колхознинг илғор теримчиси. У кунлик нормани доим ошириб бажармоқда.

А. БОБОЕВ,
Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхознинг моҳир теримчиси. У шу кунгача 4.821 килограмм пахта терди.

Ғ. ПЎЛАТОВ,
Оржоникидзе районидаги Молотов номли колхознинг бригада бошлиғи. Унинг бригадаси кунига 3 процентдан пахта топшираётир.

Ш. ҚУРБОНОВА,
Пискент районидаги Молотов номли колхознинг чевар теримчиси. У, мавсум бошидан бери 7 тонна отбор ва биринчи сорт пахта терди.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

☆

Сур'атга сур'ат қўшмоқдалар

ЯНГИЙЎЛ. Нов қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз экономикасида пахтачилик асосий ўринни эгаллайди. Колхоз 1953 йилда юқори ҳосил етиштириб, давлатга ҳар гектар ердан 37,2 центнердан пахта топширди. Колхоз а'золари бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилиб, 1127 гектар ерда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар ҳар гектар ердан давлатга 40 центнердан пахта топшириш тўғрисида мажбурият олганлар.

Сталин номли колхоз а'золари пахта териш ва тайёрлаш сур'ати жиҳатидан район бўйича биринчи ўринда бормоқдалар. Колхозчилар мўл ҳосил етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилган бўлсалар, пахта теришда ҳам ғайратларига-ғайрат қўшиб ишлаётирлар. Октябрь ойининг биринчи ўнкунлигида йиллик планнинг 18,4 проценти миқдорида пахта топириб, энг юқори ўсишга эришгани учун колхозга район кўчма Қизил байроғи берилди.

Шу кунларда колхоз правлениеси ва партия ташкилоти пахтани териш ва тайёрлаш сур'атини янада кучайтириш тадбирларини кўрмоқдалар. Теримчиларнинг сони 800 кишига етказилди. Улар орасида Улуғ Октябрьнинг 37 йиллиги ва республикамизнинг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора юксалмоқда. Шу туфайли колхоз ҳар куни йиллик планнинг 2 проценти миқдорида ва ундан ҳам ошириб пахта топширишга эришмоқда.

Колхознинг Тилла Иноғамов ва Са'ди Қорахўжаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг а'золари йиллик планларини 60 процентдан ошириб юбордилар. Зулайхо Набиева, Ойша Ҳасанова, Матлуба Толипова каби ўнларча теримчи 4900 — 5400 килограммдан пахта териб, мавсум топширишини ошириб бажардилар. Ҳозир улар ҳар куни ҳирмонга 150 — 160 килограммдан пахта териб топширмоқдалар.

Т. НИШОНБОЕВ.

☆

Сифат учун курашилмаётир

Пахтани саноат сортларига ажратиб териш ва уни давлатга а'ло сифатли қилиб топшириш колхозга ҳам, колхозчига ҳам, давлатга ҳам катта фойда келтиради. Шунга қарамай, Пискент районидаги кўпгина колхозларда пахтани саноат сортларига ажратиб теришга ва унинг ифлосланмаслигига жиддий э'тибор берилмаётир. Шунинг учун ҳам районда кўпгина пахта паст сортга ўтаётир ва айрим кунларда қабул қилинмай қайтарилаётир.

Масалан, райондаги энг йирик Ленин номли колхози олиб кўрайлик. Колхозда ҳозиргача тайёрланган 800 тоннадан ортиқ пахтадан фақат 91,9 тоннаси отбор сортга қабул қилинган. Колхоздан келтирилаётган пахта сортларга ажратилмагани, яхши қуритилмагани ва ифлос бўлгани учун сўнгги уч кун ичида 18.790 килограмм пахта қайтариб юборилган. Топширилган пахта ифлос бўлгани учун анчагина миқдордаги пахта чегириб ташланган ва колхозга пункт томонидан 29.523 сўм жарима солинган.

Сталин номли колхозда ҳам теримчилар этак блан тўла та'минланмаганлар. Шунинг учун улар пахтани рўмол ва чойшабга терадилар, ёки эгатларнинг орасида қолдириб кетадилар. Бунинг устига пахта хирмонларда яхши қуритилмаётир, қоп-қанорларга тупроқ блан аралаштириб солинмоқда. Натижада 3 кун ичида 14.870 килограмм пахта пунктига қабул қилинмасдан, қайтариб юборилган. Ворошилов номли колхознинг 6, 7 ва Шверник номли колхознинг 3 ва 4-нчи бригадаларида сувалган ёки асфальт ётқизилган хирмон жойлари йўқ. Терилган пахта ариқ бўйларига ва зах ерларга тўкилиб, ифлосланмоқда. Пахтаси машина блан теришга ажратилган далаларнинг атрофи текисланди, ўқариқлар кўмилди.

Пахта териш машиналарига хизмат кўрсатучи кишиларнинг етарли бўлиши ишни тез ва унумли қилишда катта аҳамиятга эгадир. Колхоз правлениеси сув ташучи, аравакаш ва бункердан пахтана бўшатучи кишилар блан тўла та'минлагани учун пахта териш машиналари ҳеч вақт тўхтаб турмаётир. Машина бункерини тўлгазгач, қатор бошига чиқади ва унинг пахтаси дарҳол шолчага бўшатилади. Шундан кейин аравакаш у пахтани хирмонга олиб келади.

Машинада терилган пахтани ўз вақтида тозалаш, қуритиш алоҳида э'тиборни талаб этади. Биз шу мақсадда кўсак чувиш машиналарининг яхши ишлаши учун тўла шароит яратиб бердик. Бу ишларни ма'лум кишига топшириб қўйдик. У, кўсак чувиш машинасида ишлаётган колхозчиларни ва машинистни озиқ-овқат блан та'минлаб туради ва хирмондаги пахтани пешма-пеш қабул пунктига жўнатишни уюштиради.

Пахтакорларимиз машинанинг ишидан ғоят миннатдордирлар. Колхозимизда хизмат қилаётган механик-ҳайдовчилар пахтакорлар блан биргаликда етиштирилган мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Республикага донғи кетган Бозорбой Норматов бизнинг колхозимизда хизмат қилаётир. У, ўзининг СХМ—48 М маркали машинасини моҳирлик блан ишлатиб, кундалик нормасини 3—4 ҳиссага етказиб бажармоқда. Ўртоқ Норматов ҳозиргача 50 тоннадан ортиқ пахта терди. Колхоз партия ташкилоти илғор механик-ҳайдовчи Бозорбой Норматовнинг иш тажрибасини колхозимизда хизмат қилаётган бошқа механик-ҳайдовчиларга ҳам кенг ёймоқда. Ундан намуна олиб ишлаётган Собир Искандаров ҳам яхши натижага эришаётир. Ўртоқ Искандаров ҳар куни 3—4 тоннага етказиб пахта термоқда.

Шуни э'тироф этиш керакки, ҳали биз машиналар қувватидан мақсадга мувофиқ фойдаланаолмаётирмиз. Колхозимизда ишлатилаётган 12 та машинадан фақат 2 таси блан кўп пахта терилмоқда, қолганларида фақат норма бажарилаётир. Агар ҳамма машиналар ҳам Бозорбой Норматов, Собир Искандаров ўртоқларнинг машинаси сингари юқори унум блан ишлаганда эди, биз ҳосилни тезроқ йиғиштириб олган бўлар эдик. Колхоз правлениеси шу кунларда ана шу мақсадни амалга ошириш учун курашаётир.

Колхозимизда пахта териш машиналари бирмунча унумли ишлаши блан бирга, колхозчилар ҳам кўп ва юқори сифатли пахта териш учун курашаётирлар. Колхозчилардан Ойнисо Эшбекова, Санталат Ҳакимова, Шарофат Саримоқова ўртоқлар пахта далаларида намуна кўрсатаётирлар. Улар ҳар куни хирмонга 190—200 килограммдан пахта топширмоқдалар. Улар шу кунгача ўзларининг мавсум нормаларини бир-ярим марта ошириб бажардилар.

Йиғим-терим давридаги ишлар якунланаётган ҳозирги кунларда пахтакорларимиз терим машиналари ишига яна бир марта қойил қолмоқдалар. Норма ўртача 70 килограммдан деб ҳисоблаганда, механик-ҳайдовчи Бозорбой Норматов ҳозиргача қариб 20 кишининг мавсум нормаси даражасида пахта териб берди. Биринчи терим тугалланган 300 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 14—15 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Пахтакорларимиз ана шу ерларнинг ҳар гектаридан яна шунчадан пахта топшириш мумкин эканлигини айтмоқдалар.

Пахта териш машиналарининг афзаллигини яна шу факт блан исботлаш мумкинки, машиналар далага икки марта оралагач, ҳосил батамом йиғиб-териб олинади. Шундан кейин ғўзапояларни юлиш мумкин бўлиб қолади, я'ни биз кузги шудгорни эрта муддатларда ўтказишга ва келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратиб қўйишга муваффақ бўламиз.

Чиноз районидаги кўп колхозларда бу йил пахта териш машиналари ўтган йилдагига қараганда анча яхши ишлатилмоқда. Аввалги йилларда камқувват ҳисобланган Будённий номли колхозда бу йил йиғим-терим ишлари анча уюшқоқлик блан ўтказилаётир. Шу колхозда хизмат қилаётган донгдор механик-ҳайдовчи Василий Бибаров ҳозир 70 тоннадан ортиқ пахта териб қўйди.

Мен бу фактни шунинг учун келтирдимки, агар ҳамма колхозларда, айниқса камқувват колхозларда пахта териш машиналаридан самарали фойдаланилса, йиғим-терим ишларини қорасовуқ тушгунгача тугаллаш мумкин бўлар экан.

Барча колхозларда пахта териш машиналаридан мақсадга мувофиқ фойдаланиш даври келди. Энди, «Универсал» колхозга қандай катта ёрдам берaётган бўлса, пахта териш машиналари ҳам ана шундай зўр куч бўлиб қолди. Биз бу йилги тажрибамизни келгуси йилларда ҳам йиғим-терим даврида амалга ошириб, пахта териш машиналаридан самарали фойдаланамиз.

Бу йил колхозчиларимиз 888 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 40 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганлар. Ана шу мажбуриятни шараф блан бажариш учун шу кунларда ҳарбир колхозчи ва ҳарбир механик-ҳайдовчи зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилмоқда. Биз етиштирилган ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб оламиз ва ўз вақтида давлатга топширамиз.

Гектаридан 40 центнердан топширилaдиган пахта республикамизнинг шонли тўйига бизнинг муносиб совғамиз бўлади.

Йиғим-терим ишларини муваффақиятли ўтказишда ҳал қилучи куч

Жаббор РУСТАМОВ,
Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг раиси

☆

Қалб сўзлари

Бизнинг колхоз ери чексиз пахтазор,
Қуёш сочар кўкдан сахий нурларин,
Вахтада туради ҳарбир пахтакор,
Боғлаб белларига меҳнат камарин.

Ғўзалар шохида чаман юлдузлар —
Оқ олтин очилиб чаноққа тўлган.
Механик-ҳайдовчи йигитлар-қизлар,
Теришган пахтаси баланд тоғ бўлган.

Кўпларнинг қатори ана Қумрихон
Тез терар ҳар куни учюзкилолаб,
— Ҳалол меҳнатимиз берар шарафшон
Бу сўзлар янграйди далалар бўйлаб.

— Бу йил юртимизнинг улуғ байрами,
Шонли республика ўттизга тўлар.
Мен терган пахтанинг ҳарбир граммн
Ана шу байрамга тўёна бўлар.

— Ҳалол меҳнатимиз бўлмасин увол.
Чаноқда қолмасин пахта-кўз нури.
Ҳар грамм толамиз — тинчлик, истиқбол,
Ҳаётнинг юлдузи, жоннинг ҳузури.

— Фурсат ғаниматдир дўстлар, терайлик!
Терим сур'атига боғлайлик қанот,
Ватан, давлат учун тўплаб берайлик
Колхоз оқ олтини бўлсин мукофот.

НУРМАТ ҚУЗИ.

ҚАҲРАМОНЛИК ЭПОПЕЯСИ

• • •

(СЕВАСТОПОЛЬНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРЧА МУДОФАА ҚИЛИНГАНИГА 100 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН)

• • •

17 октябрьда совет халқи 1853—1856 йиллардаги Қрим урушида Севастопольнинг қаҳрамонларча ҳимоя қилинишининг юз йиллигини нишонлайди. Бу шонли эпопея рус солдатлари ва матросларининг кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари йилномасидаги энг ёрқин саҳифалардан биридир.

Деярлик бир йил давом этган Севастополь мудофаасида ўз жонажон юртини интервентлардан ҳимоя қилган рус халқининг буюклиги ва мардлиги намоён бўлди. Унутилмас Севастополь эпопеясининг замондошлари — революцион демократлар — бу буюк жасоратни рус халқи буюк келажагининг гарови деб билдилар. Рус халқининг қудратини самодержавие зулми ҳам, крепостнойлик зулми ҳам, ташқи душманларнинг хуружлари ҳам синдираолмади.

Бу буюк куч янги, социалистик Россия учун олиб борилган революцион жангларда бутун қудрати блан намоён бўлди. Халқимиз помещик ва буржуазия зулмини ағдариб ташлаб, кўпгина империалистик агрессорларнинг Ватанимизга қилган интервенциясини тор-мор келтириб ўз тақдирини ўз қўлида мустаҳкам тутиб турипти ва Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм қуриш йўлида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда.

1853—1856 йиллардаги Қрим уруши бир томондан Ғарбий Европадаги кучли капиталистик мамлакатлар бўлган Англия ва Франция блан, иккинчи томондан, капиталистик ривожланиш йўлига эндигина кирган самодержавие-крепостнойлик Россияси ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви натижасида келиб чиқди. Ғарбий Европа давлатлари Россиянинг Болқон ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги та'сирини сусайтиришигина эмас, балки Россиядан Қримни, Кавказни, Қора денгиз ва Азов денгизи соҳилларини тортиб олишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Британия дипломатияси Туркия ҳукмронлиги остидаги мамлакатларда Россия ўтказаётган ташқи сиёсатга зид эди. Турклар томонидан асоратга солинган славян халқларини вахшийларча эзучи ва уларнинг иқтисодий ривожланишига ҳалал беручи қонли султон режимини Англия қўллаб-қувватлар эди. Англия буржуазияси рус ҳарбий флотини яксон қилиш йўли блан Россиянинг жанубдаги денгиз қудратини сусайтиришга уринган эди, чунки рус флоти Ф. Энгельснинг та'бирича, «энг кўрқинчли олабўжи» эди. Рус флотининг Қора денгизда бўлиши инглизларни энг кўп безовта қилар эди.

Англиянинг русларга ва славянларга қарши олиб борган сиёсатини славян халқларини эзган ва Болқонда янги территорияларни босиб олишга интилаётган Австрия монархияси қўллаб-қувватлади. Яқин ва Ўрта Шарқдаги бозорларни босиб олишга интилаётган Франция ҳам Россияга қарши позицияда эди. Инглиз ва француз дипломатларининг ногорасига ўйновчи Туркия ҳукумати ҳам русларга қарши сиёсат олиб борар эди.

Англия ва Франциянинг босқинчилик планларига Америка Қўшма Штатларининг капиталистлари хайрихоҳлик блан қарар эдилар. Уруш жараёнида улар Узоқ Шарқдаги ўз базаларини инглиз ва французларга уларнинг флотлари Россияга қарши ҳаракат қилиши учун бериб қўйдилар, шунингдек Қримга десант қўшинларини олиб бориш учун ўз кемаларини бердилар. Америка корабльлари Амурнинг қуйилиш жойига яқин ерларда босқинчилик қилдилар.

Россияга қарши коалицияга бошчилик қилган капиталистик Англия манфаатларининг чор Россияси манфаатлари блан тўқнашиб қолгани натижасида Қрим урушн бошланди. Уруш бошланган пайтларда Англия ва Франция ўз қуролли кучлари блан очиқдан-очиқ Россияга қарши чиқмадилар. 1853 йил 30 ноябрьда адмирал Нахимов Синоп бухтасида турк флоти устидан порлоқ ғалаба қозонгандан кейингина улар ўз ниқобларини олиб ташладилар. Лондон ва Париждаги уруш ижвогарлари бу воқиани Англия ва Франция қуролли кучларининг Россияга қарши очиқ жанг бошлаши учун етарли баҳона деб ҳисобладилар. Бу мамлакатларнинг бирлашган флоти Қора денгизга кириб келди ва Қора денгиздаги рус флотига ҳамда унинг асосий базаси — Севастополга таҳдид қилабошлади. Аммо инглизлар ва французлар рус кучларининг э'тиборини Қримдан бошқа ёққа чалғитиш учун рус ерининг турли пунктларида—Болтиқ, Баренцово ва Оқ денгизларда хужум бошладилар. 1854 йилнинг августида улар Камчаткадаги Петропавловскни қўлга олиш учун десант туширдилар, аммо бу ерда ҳам бошқа пунктларда бўлгани сингари, қаттиқ мағлубиятга учрадилар.

Сентябрь ойида инглиз, француз ва турклларнинг 62 минг кишидан иборат десант армияси Евпатория яқинига туширилди. Қримдаги рус қўшинларининг сони 35 мингдан сал ортиқроқ эди. Уларга бефаҳм чор генерали князь Меншиков қўмондонлик қилар эди.

Қрим интервентлар томонидан ишғол этилиш хавфи остида қолди. Рус қўшинлари қаҳрамонона жанг қилдилар. Альма дар'ёсидаги дастлабки жангдаёқ душман катта талофат кўрди. Лекин душман қўшинларининг сони икки баравар кўп бўлгани ва техника жиҳатидан жуда катта устунликка эга бўлгани учун руслар чекинишга мажбур бўлдилар.

Альмадаги жангдан кейин эсанкираб қолган Меншиков Севастополь мудофаасини денгизчиларга ташлаб, армияни Боқчасарой томонга чекинтирди. Севастополь тақдири учун жавобгарликни Қора денгиз флоти штабининг бошлиғи вице-адмирал В. А. Корнилов ўз зиммасига олди. Машҳур рус флот бошлиқлари вице-адмирал П. С. Нахимов, контр-адмирал В. И. Истомин ва флот ҳамда армиянинг бошқа талантли офицерлари шаҳар мудофаасига актив қатнашдилар.

Севастополь шаҳрининг жанубий чеккаларида шошилинч равишда мудофаа истеҳкомлари қурилабошланди. Денгизчилар, солдатлар ва шаҳар аҳолиси кеча ва кундуз демай бастионлар қурдилар, бастионларга тўплар ўрнатдилар, чуқурлар ва ҳандақлар қазидилар, тўсиқлар ўрнатдилар. Оддий рус кишилари, Корниловнинг хабар беришича, «маҳкам туришга» ва шаҳарни четэл босқинчиларига бермасликка қарор қилдилар.

1854 йил 25 сентябрьда Севастополга Жануб томондан (бу томонда мудофаага бевосита П. С. Нахимов раҳбарлик қилар эди) интервентларнинг 55 минг кишидан иборат армияси яқинлашди. Шаҳар қамал холатида деб э'лон қилинди. Юксак ватанпарварлик руҳи блан суғорилган гарнизон сон жиҳатдан устун бўлган душманга қарши тенг бўлмаган кураш бошлади. Бу кураш ўнбир ярим ой (349 кун) давом этди.

17 октябрьда интервентлар Севастополга олдин бомба ва ядролар ёғдириб, сўнгра уни штурм блан олишга қарор қилдилар. Лекин Севастопольнинг жасур мудофаачилари душманнинг бу планини барбод қилдилар, дастлабки жиддий синовга мардларча бардош бердилар. Улар ўз тўпларининг ўт очиш қудратидан моҳирлик блан фойдаланиб, душман артиллериясини яксон қилдилар. Қуруқликдаги батареялар мергаилик блан ўт очиб денгиз томонидан ҳужум қилган ва артиллерия жиҳатдан саккиз марта устун бўлган душманнинг жуда катта флотини саросима ичида чекинишга мажбур қилди. Душман штурм учун тайёрланган қўшини орқага, фронт орқасига чекинтиришга мажбур бўлди.

Севастопольчилар ғалабадан жуда хурсанд бўлдилар, аммо мудофаа ташкилотчиси вице-адмирал Корниловнинг Малахов қўрғонида ядро ўқидан қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги мудофаачиларни қайғуга солди. «Севастопольни сақлаб қолингиз...», — унинг шаҳар мудофаачиларига қарата айтган охирги сўзлари шу бўлди.

В. А. Корнилов ҳалок бўлгандан кейин жуда оғир шароитларда мудофаага раҳбарлик қилиш мас'улияти П. С. Нахимов зиммасига тушган эди. Жасур адмиралнинг олдинги позицияларда бўлмаган куни йўқ эди. Денгизчилар ва солдатлар унга ўз эҳтиёжларини ва таклифларини бевосита айтар эдилар. У блан биргаликда бундан бир йил илгари Синопда ғалаба қозонган эдилар, у блан биргаликда улар Севастопольни сақлаб қолишга қат'ий аҳд қилган эдилар.

Нахимов раҳбарлиги остида матрослар ва солдатлар шаҳарни қамал қилган душманнинг сон ва техника жиҳатдан устун кучларига қарши курашда мисли кўрилмаган жасурлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Улар кундузи вахшийларча қилинган бомбардировка натижасида бузилган истеҳкомларни кеча-лари тиклар эдилар. 25 сентябрьда бошланган жанг тоқ кучайиб, тоқ сусайиб янги йилнинг 8 сентябригача тинмай давом этди. Севастопольнинг бу давр ичида бирнеча марта муваффақиятларга эришдилар. 1855 йилнинг февралида штабс-капитан Мельников раҳбарлигидаги сапёрлар душманнинг ер остидан қилган ҳужумини қайтардилар, улар 18 июньда Нахимов ва генерал Хрулев раҳбарлигида душман томонидан руслар мудофаа линиясига қилинган биринчи умумий штурмни қайтардилар, кечаю-кундуз тинмай душманга ҳужум қилиб, унга талофат етказиб турдилар.

Бутун мудофаа давомида рус солдат ва матрослари деярлик ҳар куни қаҳрамонлик намуналари кўрсатиб турдилар. Матрос Пётр Кошканнинг жасурлиги ва эпчиллиги бутун Россияга ма'лум эди. У, душман қароргоҳига кўрқмасдан ёриб кирар, душманни вахимага солар ва асир ҳамда қурол олиб қайтар эди. Унга ўхшаш қаҳрамонлар кўп эди. Дов'юрак рус матроси Егор Булнинн рус солдатини асир олмоқчи бўлган 4 душман солдатига ташланди: бирини милтиқ қўндоғи блан уриб ўлдирди, иккинчисига найза санчиб ўлдирди, учинчиси қочиб кетди, тўртинчисини эса қутқорилган рус солдати ўлдирди. Ўз жонажон ватанини ҳимоя қилиш учун бастионга кўнгилли бўлиб келган печкасоз Иван Герасимов чап елкасидан жароҳатланди, лекин у жароҳатини боглаб, артиллериячиларга ёрдам беришни давом этдирди. Иккинчи ўқ блан у оёғидан ярадор бўлади, шунда ҳам у бастиондан кетмайди. Бир ҳужум вақтида матрос Игнатий Шевченко севимли командири лейтенант Бирюлевни душман нишонга олганини кўриб, ўз кўкрагини ўққа тутиб бериб командирни ўлимдан сақлаб қолди.

Бу фақат айрим солдатларнинг қаҳрамонликларигина эмас эди. Қаҳрамонлик кўрсатиш бутун Севастополь мудофаачилари учун характерли эди. Шундай фактлар ҳам ма'лум: денгизчилар ротаси 30 кун душман ўти остида позицияда мустаҳкам туриб, ўша позицияга янги қўшинлар юборибб, толиқкан жангчиларга дам бермоқчи бўлганларида бу таклифни рад қилдилар; қисмларнинг бири сафда 160 ярадор солдат бўлгани ҳолда душманга қарши жангни давом этдирди.

Улуғ рус ёзучиси Л. Н. Толстой Севастополь мудофаасида артиллерия офицери сифатида қатнашган ва бундай деб ёзган эди: «Қаҳрамони рус халқи бўлган бу Севастополь эпопеяси Россияда кўп вақтгача чўкур из қолдиради».

Рус матрос ва солдатлари оч ва ялангоч ҳолда, снарядлар етишмаганидан мащқ вақтларида қал'ада қолиб кетган снарядни қазиб олишга мажбур бўлган эдилар. Улар ўқлар етишмаганидан ўт остида душман ўқларини териб, душманга қандай бўлмасин жавоб бериш учун ўқларни шу ернинг ўзидаёқ қайтадан қуйиб патронлар ясаган ҳолда ана шундай қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Россиянинг чирпиган иқтисоди тузуми ана шундай аҳвол юз беришига сабаб бўлган эди. Ўша вақтдаги рус воқи'лиги учун бало бўлган крепостнойлик ҳар қандай прогрессни бўғиб қўяр, мамлакат мудофаа қудратини сусайтирар эди.

Март ойида Ватан олдидаги ўз бурчини тўла адо этган Истомин ҳалок бўлди, июльда душман ўқидан Малахов қўрғонида адмирал Нахимов қурбон бўлди. 1855 йил 8 сентябрьда ҳолдан тойган ва четдан ёрдам олиш имкониятидан маҳрум бўлган рус қўшинлари Севастопольни ташлаб чиқдилар.

• • •

Севастополь 1941—1942 йилларда қаҳрамонона мудофаа қилинган вақтда ўтган асрдаги шонли мудофаа совет жангчилари учун илҳомбахш намуна бўлди. Адмирал Нахимовнинг, матрос Пётр Кошкининг ва бошқаларнинг баҳодирона образлари шаҳарнинг қарбир мудофаачиси қалбидан жой олган эди. Совет солдатлари Малахов қўрғонидаги Корнилов қайкали ёнига келиб, шонли саркарда томонидан айтилган «Севастопольни сақлаб қолингиз!» деган васиятини ўқидилар ва шаҳарни сақлаб қолиш ҳақида қасам ёд қилдилар. Нахимовнинг «Ҳарбир кишининг қаёти Ватанникидир» деган шиори денгизчи пиёдаларни ва рус денгиз бушлатларини қийган мингларча бошқа қаҳрамонларни жасурлик қилишга ундади ва улар Нахимовнинг: «Қора денгизчиларнинг қилаолмайдиган ишлари йўқ» деган сўзларини яна бир марта амалда тасдиқладилар. 1942 йил 3 июльда Олий Бошқўмондонликнинг буйруғи чиққан кунгача Севастополь бутун армия ва халкимизга жасурлик ҳамда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, қаттиқ туриб жанг қилди.

Совет Армияси ва Флотининг шонли қўшинлари Севастопольни 250 кун мобайнида қаҳрамонларча мудофаа қилдилар ва ўз қаҳрамон ота-бободларининг шонли жанговар традицияларини бойитдилар. Ана шу унутилмас кунларда душман Севастополь ёнида 300 мингта яқин солдат ва офицер йўқотди. Ватан ўз содиқ фарзандларининг қаҳрамонлигига юксак баҳо берди: Севастопольнинг қаҳрамонона мудофаасида қатнашган мингларча кишилар орден ва медальлар блан мукофотландилар. Улардан 37 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган фахрли унвон берилди. 1942 йил 22 декабрьда Совет ҳукумати «Севастополь мудофааси учун» медалини та'сис этди.

1944 йил 7 майда совет қўшинлари Севастопольни штурм қилабошладилар, 9 майда эса қал'ани ва Қора денгиздаги энг муҳим ҳарбий-денгиз базаси бўлган Севастополь шаҳрини қўлга олдилар.

Совет денгизчилари ўз ҳарбий билимларини Улуғ Ватан уруши тажрибаси блан бойитган ҳолда янги мураккаб техникани, қудратли қуролларни мукаммал ўрганмоқдалар, душманларнинг найрангларини ҳушёрлик блан кузатмоқдалар. Ўз халқининг жанговар революцион традицияларини муқаддас сақлаётган, ҳарқандай агрессорга қақшатгич зарба беришга доим тайёр турган Совет флоти жонажон Ватанимизнинг денгиз чегараларини сақлаб турипти. Қаҳрамон шаҳар — Севастополь вахтада турипти.

В. ПОЛИКАРПОВ.



Севастополь. Суратда: (чапдан) 1. Приморье бульвари ёнида ҳалок бўлган қора бўльларга ўрнатилган ёдгорлик. 2. Нахимов проспекти.
Н. Леонтович ва **А. Баженов** фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

Чирчиқ электрохимия комбинатининг болалар боқчасида тарбияланаётган болаларга яхши ғамхўрлик қилинмоқда. **Суратда:** Болаларнинг овқатланиш пайти.

В. Салов фотоси.

Студентлар кутубхонаси

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети ҳузуридаги 6 фан культет студентларига хизмат қилучи кутубхонанинг китоб фонди ой сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозир кутубхонада 60 мингдан ортиқ турли китоблар бор. Бу адабиётлардан 1325 китобхон унумли фойдаланаётир.

Яқинда кутубхонага яна 300 дан ортиқ китоб келтирилди. Булар орасида В. И. Ленининг ўзбек тилига таржима қилинган «Коммунизмда болаларча «сўл. лик касали» номли асари, А. Бермангнинг «Математик анализ курси», И. Воронковнинг «Механика назарияси курси» каби бирқанча дарслик, брошюралар ва сиёсий адабиётлар бор.

Қисқа сатрларда

* **Чирчиқ.** Грузия давлат ашула ва рақс ансамблининг артистлари шаҳар аҳолиси учун Сталин номли электрохимия комбинатининг ёзлик клубида икки бўлимдан иборат концерт берди. Грузия ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, композитор В. Цагараеншвили раҳбарлигидаги коллектив томонидан ижро этилган ашула ва рақс тамошабиларга манзур бўлди.

Т. Ўрунов.

* **Тўртинчи «Боёвут»** совхозининг клуби қайта жиҳозланди. Клубга электродвигатель ёрдами блан юрадиган «Украина» кўчма кино аппарати юборилди. Шунингдек клубдаги кутубхонага 500 дан ортиқ турли китоблар келтирилди. Совхоз клубини қайта жиҳозлаш учун 16 минг сўм маблағ сарфланди.

Г. Раимов.

* **Республика автомотор клуби** ҳузурида ташкил этилган шоферлар тайёрлаш курси кўплаб ихтисосли шоферлар етиштирмоқда. Яқинда областимизнинг Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Октябрь районларидан келган 30 киши курснинг ўзбек группасини муваффақият блан тамомлаб чиқди.

А. Мақсудов.

Район газеталарининг саҳифаларидан

ГАЗЕТАНИНГ ТАШАББУСИ

Сирдар'ё области областимиздаги илгор пахтакор районлардан биридир. Район пахтакорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ажойиб ғалабаларга эришмоқдалар. Районда чиқадиган **«Қизил юлдуз»** газетаси йиғим-теримда илғорларга тенглашиш учун курашаётган колхозларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, газета ўзининг 10 октябрь сонида **«XIX партс'езд» колхози а'золари пахта териш ва давлатга топширишда «Ҳақиқат» колхозидан ўтишга қарор қилдилар»** деган шапка остида бир саҳифа материал уюштирган.

«Биз, — деб ёзади «XIX партс'езд» колхоз правлениесининг раиси Ж. Маманов ўзининг «Планни 28 октябрьгача бажарамиз» сарлавҳали мақоласида, — **колхозчилар учун қулай шароит; иссиқ овқат, чой, меҳнат кунларига ҳар 5—10 кунда 1,5 килограммдан бугдой, 4 сўмдан пул ҳамда 1 килограмм пахта тергани учун 30 тийиндан пулни доимо бериб туришни ташкил этдик. Натижада теним сур'ати анча қизиб, бир кунда 2,5—3 процентгача пахта тайёрлашга эришдик. Колхозимизда иш яна қизимоқда. Пахта тайёрлаш планимизни 28 октябрьгача 115 процент бажарамиз. Районнинг илгор «Ҳақиқат» колхозидан ўтиш учун колхозчиларимиз астойдил ғайрат қилмоқдалар».**

Колхознинг илгор теримчиси, комсомол а'зоси Рафиқа Усмонова ўзининг «Ва'дамни бажараман» сарлавҳали мақоласида ҳозир кунига 200—280 килограммдан пахта тераётгани ҳақида завқ блан ҳикоя қилади.

Шунингдек, саҳифада колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Мавлонов, I-нчи МТСнинг механик-ҳайдовчиларининг бой тажрибаларини кенг пропаганда қилиши керак эди. Афсуски, газета бу муҳим ишда ташкилотчилик ролини кўрсатмаётир. Газета пахта йиғим-теримига доир материалларни кўпроқ бериш ўрнига бошқа газеталарда босилган катта-катта мақолалар блан тўлиб чиқмоқда. Бунинг устига редакция ходимлари ишнинг осон йўлини кўзлаб, район колхозларидаги ҳамма бригадаларнинг беш кунлиқда қилган ишларининг сводкасини қайта-қайта босиш блан овора бўлмоқдалар. Масалан, газетанинг 74, 75, 76 ва 77-нчи сонларида пахта теримига бағишланган 15—20 йўлдан иборат 3 тадан юзаки ёзилган хабарлар босилиб, газетанинг қолган қисми турли хил сводкалар блан тўлдирилган. Редакция ходимлари кейинги вақтларда колхозларда кам бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам районда пахта тайёрлаш масаласи қандай аҳволда эканлигини яхши билмайдилар. Қисқаси «Пахта учун кураш» газета редакциясининг ходимлари амалий иш ўрнига сводкабозлик блан шуғулланиб, районни илгор пахтакор районлар қаторига чиқаришда ва пахта теримини тезлатишда партия, совет ташкилотларига етарли ёрдам бермаётирлар.

Сводкабозлик блан камроқ шуғулланиб, кўпроқ амалий иш қилиш керак.

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИНГ УНУМЛИ ИШЛАШИГА ЭРИШИЛСИН

Мирзачўл район пахтакорлари барча куч ва воситаларидан унумли фойдаланиб, пахта йиғим-теримида областимиздаги пахтакор районларнинг энг олдинги сафида бормоқда. Район пахтакорлари кейинги 10 кунликда пахта тайёрлашда йиллик планга нисбатан 23 процент ўсишга эришганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар.

Броқ, районнинг айрим колхозларида пахта териш машиналаридан унумли фойдаланмаслик натижасида йиғим-теним сур'ати пасайиб кетмоқда. Пахта териш машиналарининг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб берилмаётир.

Машина блан териладиган участкаларда ўқариқлар текисланиб, машина бурилладиган ерлар ғўзапоядан ва ёввойи ўтлардан тозаланмаган. Бу эса пахта териш машиналарининг унумли ишлашига тўсқинлик қилмоқда. **«Шунинг учун ҳам,** — деб ёзади районда чиқадиган **«Колхоз меҳнати»** газетаси, — **3-нчи трактор бригадасининг Жданов номли колхоз пахта далаларида ишлаётган 6 та пахта териш машинасининг 65 гектардан терган пахтаси 47 тоннани ташкил қилади, холос».**

Пахтани машина блан териш колхозчиларимизнинг меҳнатини енгиллаштиради, терим сур'атини эса тезлатади. Лекин шунга қарамасдан, айрим колхоз раҳбарлари пахтани машина блан теришга жиддий э'тибор бермаётирлар. «Колхоз меҳнати» газетасининг саҳифаларида пахтани машина блан теришга э'тибор бермаётган айрим шахсларни кескин танқид қилучи мақолаларни тез-тез учратиб туриш мумкин.

Газета айрим жойлардаги камчиликларни очиб ташлаб, йиғим-терим сур'атини янада тезлатишда ва Мирзачўл районининг илгор пахтакор районлар қаторидан жой олишида район партия, совет ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқда.

СВОДКАБОЗЛИК

«Пахта учун кураш» газетаси комплектларини варақлаб кўрган киши Пискент районида пахта йиғим-терими бирмунча дуруст экан, деган хулосага келади. Ҳақиқатда эса Пискент области пахта тайёрлашда жуда орқада қолмоқда. Райондаги кўпгина колхозларда йиғим-терим ишлари уюшқоқсизлик блан ташкил қилинган. Масалан, Шверник номли, Ворошилов номли, «XIX партс'езд» колхозларида йиғим-терим сур'ати ниҳоятда паст.

«Пахта учун кураш» газетаси район колхозларидаги бундай колоқликни қаттиқ танқид қилиб, партия, совет ташкилотларинин э'тиборини терим сур'атини кескин равишда кучайтиришга қаратиши, кўпминг килограммчи ва илгор механик-ҳайдовчиларнинг бой тажрибаларини кенг пропаганда қилиши керак эди. Афсуски, газета бу муҳим ишда ташкилотчилик ролини кўрсатмаётир. Газета пахта йиғим-теримига доир материалларни кўпроқ бериш ўрнига бошқа газеталарда босилган катта-катта мақолалар блан тўлиб чиқмоқда. Бунинг устига редакция ходимлари ишнинг осон йўлини кўзлаб, район колхозларидаги ҳамма бригадаларнинг беш кунлиқда қилган ишларининг сводкасини қайта-қайта босиш блан овора бўлмоқдалар. Масалан, газетанинг 74, 75, 76 ва 77-нчи сонларида пахта теримига бағишланган 15—20 йўлдан иборат 3 тадан юзаки ёзилган хабарлар босилиб, газетанинг қолган қисми турли хил сводкалар блан тўлдирилган. Редакция ходимлари кейинги вақтларда колхозларда кам бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам районда пахта тайёрлаш масаласи қандай аҳволда эканлигини яхши билмайдилар. Қисқаси «Пахта учун кураш» газета редакциясининг ходимлари амалий иш ўрнига сводкабозлик блан шуғулланиб, районни илгор пахтакор районлар қаторига чиқаришда ва пахта теримини тезлатишда партия, совет ташкилотларига етарли ёрдам бермаётирлар.

Сводкабозлик блан камроқ шуғулланиб, кўпроқ амалий иш қилиш керак.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Пахта қанорини гап блан тўлғазолмайсиз“

Газетамизнинг шу йил 3 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида Ўртоқ Н. Юсуфийнинг мақоласи босилиб, унда Янгийўл районидаги кўп колхозларнинг раҳбарлари ўтган йилги аччиқ сабоқдан хулоса чиқариб олмай, манманлик, хотиржамлик қайфиятига берилиб кетгани, район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари Янгийўлнинг олдинги шуҳратини тиклаш учун ҳаракат қилмаётгани қаттиқ танқид қилинган эди.

Ўзбекистон КП Янгийўл район комитетининг секретари Ўртоқ Мусаевнинг редакциямизга хабар қилишича, мақола район партия комитетининг 6 октябрьдаги бюро мажлисида муҳокама қилинган ва унда кўрсатилган фактлар тўла исботланган. Бюро газетада кўрсатилган камчиликларни тез вақт ичида бартараф этиш, пахта териш сур'атини тезлаштиришда барча имкониятлардан фойдаланиш тадбирларини белгилаган.

Маданий-оқартув муассасаларининг ишини тубдан яхшилайлик

КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларида совет халқи олдига яқин икки-уч йил ичида қишлоқ хўжалигини кескин равишда ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хомашё блан мул-кул та'минлаш программасини чизиб берилди. Бу жанговар программани муваффақиятли бажаришда қишлоқдаги маданий-оқартув муассасаларининг зиммасига мас'улиятли вазифалар юклангандир.

Қишлоқдаги маданият уйлари, клублар, кутубхона ва қўшихоналарда олиб бориладиган оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари тематик кечалар ўтказиш, қишлоқ хўжалиги новаторларининг иш тажрибаларини оммалаштириш, илмий-атеистик ва сиёсий темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб туриш, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн ташкил қилиб, қишлоқ меҳнаткашлари учун мазмунли адабий-бадиий кечалар ўюштиришга қаратилиши керак. Шунингдек, китобхонлар конференцияси ўтказиш, виставка, витрина, фотомонтаж ва савол-жавоб столлари ташкил этиш орқали илғор совет фани, маданияти ва техника ютуқларини пропаганда қилиш лозим. Маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари ижодий равишда ишлаб, оммавий ишнинг янги-янги формаларини қидириб топишлари, оммани ташаббускорлигини оширишлари лозим.

Лекин областнинг айрим районларида маданий-оқартув муассасаларининг иши ҳозирги кунинг талабига жавоб берадиган даражада ташкил этилмаган. Бунга Юқоричирчиқ ва Паркент район маданият бўлимларининг ишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ҳар иккала районда ҳам мавжуд маданият ўчоқларидан унумли фойдаланилмаётир. Бу районларда аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш учун тўла имконият бўлишига қарамасдан, кадрларнинг тўғри танланмаганлиги ва уларнинг арзимаган сабаблар блан тез-тез алмашиниб турилиши натижасида маданий-оқартув ишлари ёмон аҳволга тушиб қолган.

Айниқса, Юқоричирчиқ районида (маданият бўлимининг мудири Ўртоқ Маҳмудов) маданий-оқартув ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Маданият бўлими ўзининг иш планига эга эмас. Райондаги маданий-оқартув муассасалари ходимларининг семинарлари ўтказилмайди, бўлим район комсомол комитети блан мустаҳкам алоқада иш олиб бормайди. Ишнинг ўзиёбўларчиликка ташлаб қўйилганлиги, назоратнинг йўқлиги натижасида райондаги маданий-оқартув муассасаларининг бирортаси ҳам талабга жавоб берадиган даражда ишламаётир.

Маданий-оқартув ишининг методик маркази бўлган район маданият уйи (директори Ўртоқ Пак) ўз иш фаолиятида аҳолига кинофильм кўрсатишдан нарига ўтмаётир. Бу ерда турли темаларда адабий кечалар ташкил этилмайди, мунтазам равишда лекция пропагандаси олиб борилмайди. Яқинда ташкил этилган хор тўгараги ҳам яхши ишламаётир. Маданият уйи жойлардаги кутубхона, қўшихона ва колхоз клубларига амалий ёрдам кўрсатмайди. Оқовулдаги қишлоқ қўшихонаси ва кутубхонаси ҳафталаб очилмайди. Янгибозор ва Биринчи Май қишлоқ советидаги қўшихоналар эса кейинги пайтларда мутлақо ишламай қўйди. Район маданият бўлими ва маданият уйи ходимлари бу нарсага э'тибор бермай келмоқдалар.

СССР Министрлар Советининг колхозлардаги маданий-оқартув муассасалари ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш тўғрисида чиқарган қарори колхоз клублари ва кутубхоналарнинг ишини тубдан яхшилашга қаратилган. Район маданият бўлими ўз иш фаолиятида ана шу қарорга амал қилиши лозим эди. Ваҳоланки, райондаги 11 колхоз клубидан 7 таси клуб мудири ва биттаси кутубхона мудири блан та'минланган, қолган 3 та клуб ишламаётир.

Айрим колхозларда клублар бошқа мақсадлар учун фойдаланилмоқда. «Париж коммунаси» колхозидаги (раиси Ўртоқ Холмирзаев) клуб кўрак сақлаш хонаси бўлиб қолган. Клуб учун сотиб олинган 3 минг сўмлик китоб колхоз омборида чанг босиб ётипти. Район ижроия комитетининг шу йил 31 июльда чиқарган қарорига мувофиқ 1 сентябрьгача колхозлардаги клублар тезда ремонтдан чиқазилиши, бошқа мақсадларда фойдаланилаётган клублар тезда бўшатилиши ва ишга туширилиши керак эди. Лекин, район раҳбарларининг ижрони текширмасликларидан фойдаланган колхоз раҳбарлари бу қарорни шу пайтгача бажармай келмоқдалар, қарор қоғозда қолиб кетди.

Сталин номли колхоз клуби аллақачон капитал ремонтдан чиқарилиб, тегишли жиҳозлар блан та'мин этилгани ҳолда, колхоз раиси Ўртоқ Жонзоқовнинг буйруғи блан клуб шу пайтгача ишга туширилмаган. Клубдаги 5 минг сўмлик китоб фондидан ҳеч ким фойдаламай ётипти. Раис: «Агар клубда маданий-оқартув ишлари олиб борилса, бинонинг ремонти бузилади» дейди.

Район кутубхонасида ҳам аҳвол тузук эмас. Кутубхонада 15673 нусха ҳар хил китоб бор, лекин бу китоблар тўрларга ажратилмай аралашиб ётипти. Кутубхонанинг иш плани йўқ, китоб виставкалари ташкил этилмайди, китобхонлар ўртасида ҳеч қандай оммавий иш олиб борилмайди. Кутубхона ишидаги бу нуқсонлар доимий китобхонлар сонининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ўтган йили кутубхонанинг 500 га яқин доимий китобхонлари бўлган бўлса, бу йил қайта ўтказилган рўйхатда аниқланишича, китобхонлар сони 221 кишига тушиб қолган.

Республика Ашула байрамига тайёргарлик муносабати блан район колхозларида ташкил этилган 21 та бадиий-ҳаваскорлик тўгарагидан 3 таси қолган, ҳолос, қолганлари эса тарқаб кетган. Райондаги лекторлар уюшмасининг ишини ҳам қаноатланарли деб бўлмайди. Лекторлар район шароитига ва экономикасига оид темаларда мутлақо лекция ўқимаётирлар. Шуниси қизиқки, район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими (мудири Ўртоқ Ёқубов) маданият бўлимининг ишидаги бу камчиликларнинг ҳаммасидан хабардор бўлса ҳам маданий-оқартув ишларини яхшилаш учун конкрет тадбирлар кўрмаётир.

Қишлоқдаги маданий-оқартув муассасалари ишидаги бундай нуқсонларни Паркент район маданият бўлимининг ил фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Бу районда маданий-оқартув муассасалари ишининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги газета саҳифаларида танқид қилинган эди. Аммо Паркент район партия комитети ва маданият бўлимининг раҳбарлари бу танқиддан ўз вақтида тегишли хулоса чиқариб, амалий ишда бурилиш ясаганлари йўқ.

Область маданият бошқармаси юқорида кўрсатилган районлардаги маданият бўлимларининг ишини тубдан яхшилаб, қишлоқ жойлардаги маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини яхшилаштириш ва бу соҳада қилинадиган ишлар савиясини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш учун зарур тадбирларни тезда амалга ошириши керак.

У. ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги маданий-оқартув муассасалари Бош бошқармаси клублар бўлимининг старший инспектори.

Колхоз ва совхозларда пахта териш машиналарини тўхтовсиз ишлатиб, давлатга тобора кўпроқ пахта топширайлик!

☆ ☆

Гулистон нега илғорликни қўлдан бериб қўйди?

Шу кунларда бепоён колхоз далаларини, дала шийпонларини, ғарам-ғарам пахталарга тўла хирмонларни, серҳаракат йўлларни, пахта пунктларини бориб кўрган киши беихтиёр завқланиб кетади. Колхозчиларнинг, механизаторларнинг, аравакаш, шоферларнинг меҳнатдаги зўр маҳоратларини кўриб қойил қолади. Кўтаринки руҳ, беиҳоя завқшавқ блан ишлаб меҳнатда ажойиб самараларга эришаётган бундай меҳнатсевар кишилар Гулистон районида ҳам жуда кўп. Шунинг учун Гулистон райони пахта йиғим-теримининг дастлабки кунларидаёқ биринчи ўринни эгаллади. Ҳамма Гулистон районин фахр блан тилга олабошлади. Ҳамма районлар Гулистон районига тенглашиш учун қизғин курашабошладилар.

Лекин Гулистон район раҳбарлари дастлабки кунлардаги муваффақиятлар блан мағрурланиб, ютуқларни мустаҳкамлаш ҳақида ўйламадилар.

18 сентябрьгача Гулистон райони пахта теримида биринчи ўринда борди. Лекин 20 сентябрьда қўшни Мирзачўл райони давлатга пахта топширишда Гулистон районини қуриб ўтиб кетди. 27 сентябрьга келганда Сирдар'ё райони, 10 октябрьга келганда Верхне-волинск райони Гулистон районини йўлда қолдирдилар. Гулистон райони биринчи ўриндан тўртинчи ўринга тушиб қолди.

Нима учун Гулистон райони пахта йиғим-терининг дастлабки кунларида қозонган шуҳратини сақлаб қололмади? Агар бу ҳақда район партия комитетининг секретари ўртоқ Тўрабеков блан суҳбатлашиб қолсангиз у дарҳол «пахта очилмаётир» дейди. Ўртоқ Тўрабековнинг бу баҳоناси ҳақиқатга тўғри келмайди. Райондаги Крупская номли, Свердлов номли, Карл Маркс номли, Молотов номли, Калинин номли, «Красная Заря» каби бир қатор колхозлар 12 октябрьгача йиллик пахта тайёрлаш планларини 50—60 процентдан ошириб бажардилар. Бу колхозларда кўп вақт кунига 2,5—3 процентга етказиб пахта терилмоқда. Пахта териш ва давлатга топириш сур'ати кўпгина колхозларда тобора тезлашмоқда. Лекин ер, об-ҳаво шароити бирхил бўлган бошқа колхозларда нима учун аҳвол бундай эмас?! Бунга, пахта йиғим-терининг ҳал қилучи ҳозирги даврида меҳнатнинг тўғри ташкил этилмаганлиги, барча пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилмаётганлиги, графикка мувофиқ барча ишчи кучларидан тўла фойдаланилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Крупская номли колхоз шу кунларда давлатга 2,5 процент миқдорида пахта топширмоқда, 12 октябрьгача йиллик планнинг 55 процент қилиб бажарди. Бу колхозда кунига 3—3,5 процент миқдорида пахта топириш учун етарли имконият ҳам бор. Броқ бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Колхознинг Абдулла Қурбонбоев бошлиқ бригадасида йиллик пахта тайёрлаш плани 80 процентга етиб қолди. Айрим кунлари 4 процентга етказиб пахта топширилаётир. Чунки, бу бригада 3-нчи МТСга қарашли 14 та пахта териш машинаси ишламоқда, бир кўрак чувиш машинаси тўхтовсиз ишлаб турибди. Юзаки қараганда иш яхши уюштирилганга ўхшайди. Лекин шунга қарамай бу ерда пахта териш машиналаридан яна ҳам унумлироқ фойдаланиш тадбирлари кўрилмаётир. Машиналар пайкалдан чиқиб, пахтани тўкиш учун 200—300 метр, ба'зан ундан ҳам ортиқ масофага беҳуда бориб келмоқда. Бункерлардан бўшатилган пахта тортиб олиниши ўрнига тахминан қабул қилиниб, бир ғарамга тўкилмоқда. Аллақачон қораланган бу метод ҳамон қўлланилмоқда.

Машина блан пахта териш ишига «Красная Заря» колхозининг а'золари катта эътибор бермоқдалар. Улар машиналарнинг нормал ишлаши учун ўз вақтида тайёргарлик кўрганлар. Машина блан ҳозиргача 300 тоннадан ортиқ пахта терилди. Броқ, биринчи МТС раҳбарлари бу муҳим ишга яхши эътибор бермаётирлар. Ҳозир колхознинг Ҳаким Биболаев бошлиқ участкасида пахта териш учун 10 га яқин машина келган. Шундан 3 машина бекор турипти. Андреев номли колхоздан келган 22-нчи машина ишга тушмай тўхтаб қолди. Механик-ҳайдовчи Убай Йўлдошев қандайдир шайба «йўқлиги» учун машинани «юргизмаётир»?! Бригада механиги Ким-Бен-Нок қаёққадир ўз иши блан кетиб қолган. Яна бир машина пайкалнинг ичига кириб олганича қайтиб чиқмади, ўртада ҳаракатсиз турипти. 32-нчи машина 5 кундан бери жойидан қимирламади. Колхознинг 1-нчи бригадасида 12 та машина ишламоқда. Лекин бу колхозда ҳам Крупская номли колхоздаги сингари бункердаги пахталар тортилмасдан бир ғарамга тўкилмоқда. Машиналар пайкалдан чиқиб хирмонгача беҳуда қатнамоқда.

1-нчи МТС директори ўртоқ А. Погасьян пахта териш машиналари асосан шу «Красная Заря» колхозида ишлаётганига қарамай бу ерга ҳеч келмайди, механик-ҳайдовчиларнинг аҳволи блан танишмайди, кўчма устахонани юбормайди. Шунинг натижасида арзимаган сабаблар блан машиналар бирнеча кунлаб тўхтаб турипти.

Андреев номли колхознинг Ашир Турсунқулов бошлиқ биринчи бригадасида теримчилар картанинг бир бошидан эмас, хоҳлаган жойидан тушиб пахта термоқдалар. Теримчи Н. Нурматовадан—

— Нимага пахтани аралатиб терасизлар — деб сўрасак, у:

— Бригадирнинг ўзи тайинлади — деб жавоб берди.

Биз ўртоқ Турсунқуловдан бу ҳақда сўраган эдик, у «шунақа қилмасак ишда унум бўлмайди» деди. Наҳотки шундай усул блан унумни ошириш мумкин бўлса?! Колхоз раҳбарлари бундай палапартиш ишлашга зарба бермаганлар.

Крупская номли колхознинг ўртоқ Жаббор Юсупов бошлиқ бригадасида машинага ортиш учун пахта йўқлигидан машина бир, бирярим соатлаб туриб қолмоқда. Айниқса бу колхозда қанорлар етарли эмас. Колхоз правлениеси 3022 дона қанор ўрнига фақат 1546 та қанор тайёрлаган. Бу эса хирмонлардаги пахталарни барвақт қоплаб жўнатишга халақит бермоқда.

9 сентябрьда колхознинг пахта тиқилган 800 қанори Гулистон пахта пунктида қолди. эртаси куни бу қанорлар соат 5 гача ҳам бўшатиб берилмади. Бригадаларга қанор етказиб бериш учун колхознинг машинаси пахта пункти блан колхоз ўртасида 4 марта юксиз бориб келди.

Дарҳақиқат, Гулистон пахта тайёрлаш пунктидаги аҳвол ҳозирги талабга жавоб бермайди. Бу ерда 70 ишчи ўрнига 17 киши ишламоқда. Область ижроия комитетининг қарорига мувофиқ колхозлардан 35 киши келиб ишлаши керак, ваҳоланки кунига 5—10 киши ишламоқда. Пункт ишчилари уй-жой блан та'минланмаган, уларга дурустроқ шароит яратилмаган. Бу ҳақда район раҳбарлари ҳам, Мирзачўл пахта заводининг раҳбарлари ҳам ўйлаб кўрмаётирлар.

Бундан ташқари, Гулистон пахта пунктида колхозлардан келган қанорга олмоштириб бериш учун 3000 дона запас қанор бўлиши керак. Аммо, пунктда бир дона ҳам запас қанор йўқ. Бу эса пахта топириш сур'атига ма'лум даражада салбий та'сир қилмоқда.

Гулистон районида пахта тайёрлаш сур'атини яна ошириш мумкин. Бунинг учун район раҳбарлари хотиржамликка, мағрурланишга хотима беришлари, пахта териш ва уни тайёрлаш ишларига оператив раҳбарлик қилишлари керак.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Коммунизм учун» газеталарининг рейд бригадаси:

Б. ХАЛИЛОВ,
Т. РЎЗИБОЕВ.

Ўртасарой пахта тайёрлаш пунктида. А. Палехов фотоси.

☆

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилмаётир

Пахта йиғим-терининг ҳозирги энг мас'улиятли кунларида Пахта МТСининг илғор механик-ҳайдовчилари ўз агрегатларидан унумли фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Райондаги Сталин номли ва «Сталинчи» колхозларида хизмат қилаётган механик-ҳайдовчилардан Усмонов ҳамда Саидов ўртоқлар ҳар куни 2,5—3 тоннадан пахта териб, колхозчилар ҳурматига сазовор бўлаётирлар. Шунингдек, Киров номли колхозда пахта тераётган ўртоқ Черних ўзининг «СХМ—48 М» машинаси блан ҳар куни 5 тоннадан ошириб, пахта термоқда. Улар бу муваффақиятларга меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ҳарбир соат, ҳарбир минутдан унумли фойдаланиш орқали эришаётирлар.

Лекин, бу блан МТСдаги ҳамма механик-ҳайдовчилар ҳам яхши ишлаётирлар, барча машиналар пахта теримига жалб этилган, деб бўлмайди, албатта. Кўпчилик механик-ҳайдовчилар ўз агрегатларидан унумли фойдаланаолмаётирлар. Айрим бригадаларда 5—6 лаб терим машиналари ишламай бекор турипти.

Райондаги Энгельс номли, Сталин номли, Маленков номли колхозларда содир бўлаётган хато ва камчиликлар фикримизнинг яққол исботи бўлаолади. Энгельс номли колхозга 7 та пахта териш машинаси юборилган. Лекин улардан фақат 4 тасигина далада ишламоқда. 27 сентябрь куни Маленков номли колхоз пахта далаларида 14 ўрнига фақат 3 машина ишлаган. Улар ҳам терим нормаларини бажараолмаганлар. Бундай ачинарли аҳвол ҳозирги кунларда ҳам давом этиб келмоқда.

Сталин номли колхозда ишлаётган машиналарнинг иш унуми ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Бу колхозга бириктирилган 15 машинадан 6 таси ўша куни ишламай бекор туриб қолди. Натижада шу куни колхоз бўйича терим графиги бажарилмади. Район бўйича ҳисоблаб чиқилганда, 27 сентябрь куни 80 машинадан қариб 36 таси пахта теримига қатнашмаган.

Пахта териш машиналарининг иш унуми кундан-кунга пастлашиб кетаётганлиги ҳақида МТС директори ўртоқ Коломейцевга мурожаат қилсангиз, у кўпи-дарров турли баҳоналар ахтаришга киришади: «гумайлар юлиб ташланмаган, ерлар текислаб қўйилмаган», деб важ кўрсатади.

Колхозлардаги бу камчиликларни бартараф қилиш, терим машиналаридан унумли фойдаланиш учун қулай шароит яратиш колхоз раҳбарлари блан бир қаторда МТС ма'муриятининг ҳам асосий вазифасидир. Аммо. МТС раҳбарлари (бош агрономи Канцев, бош инженери Резинков) бундай қилмаётирлар. Улар ҳамма айбни колхоз раҳбарларига ағдариб, ўзларини оқлаш учун ҳаракат қиладилар.

Агар, МТС ма'мурияти колхоз раҳбарлари блан ҳамкорликда иш олиб борсалар, талабчанликни кучайтирсалар, шунингдек, пахта териш машиналарининг унумли ишлаши учун контрольликни тўғри йўлга қўйсалар, ишни яхши ташкил қилиш, пахта йиғим-теримида юксак кўрсаткичларга эришиш мумкин эди.

Октябрь районидаги Пахта МТСининг раҳбарлари баҳона ахтариш ўрнига, амалий иш қилишлари керак. Улар хотиржамликка барҳам бериб, ишни тез кунда қайтадан ташкил қилишлари, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш чораларини кўришлари лозим.

В. ХОЛМАТОВ.

КИНО

„Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси“

Тошкент бадиий ва ҳужжатли фильмлар киностудияси яқинда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг очилишига бағишлаб икки бўлимдан иборат махсус киноочерк ишлаб чиқарди. Ҳозир бу картина ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларига таржима қилиниб, республикамизнинг область, район, колхоз ва совхозларига юборилди. Ижодкор совет кишиларининг қуручилик, яратучилик соҳасидаги ажойиб ва ранг-баранг ютуқларини тасвирловчи бу очерк ўзининг чуқур мазмуни, юксак бадиий формаси ва турли-туман воқиаларга бойлиги блан совет тамошабинларининг диққатини ўзига тортади.

...Бутун дунёга ма'лум ва машҳур бўлган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг умумий кўриниши. Бу ердаги ҳарбир нарса ўзининг гўзаллиги, мазмундорлиги ва салобати блан киши диққатини ўзига тортади. Кўз илғамас даражада катта ва кенг бўлган бу улуғвор сарой битмас-туганмас бойликлар блан тўлиб тошган. Олтин нақшлар блан ишланган ва бир-биридан чиройли бўлган ҳашаматли бинолар ҳамда олмазор, токзор, экинзор ва ғаллазорлар кўз олдингиздан бирин-кетин жилваланиб ўтади. У ердаги фонтанларни айтмайсизми.

Мана кўпмиллатли СССР халқларининг қардошлиги, қадрдонлиги ва бузилмас бирлигини акс этдиручи «Халқлар дўстлиги фонтани». Бу фонтан атрофида олтиндан ишланган 16 та қизнинг скульптура симолари баланд қад кўтариб турипти. Бундан сал нарида эса «Тошгул» номи блан аталган фонтан бор. Бу ранг-дор фонтаннинг жилваси ҳарқандай кишини ҳам ҳайратда қолдиради.

Киноочеркда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг 1954 йил 1 август кунидаги очилиш маросими ҳамда у ердаги Ўзбекистон павильони ва Қорақалпоғистон залининг ҳамма асосий бўлимлари тўла равишда суратга олинган.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси улуғ совет давлатининг социалистик қишлоқ хўжалигимизни тинмай тараққий этдириш ва мустаҳкамлаш соҳасида эришган жаҳоншумул ғалабаларини намойиш қилучи улуғ кўрик ва катта мактаб эканлиги картинадаги ажойиб кадрларда ҳикоя қилинади. Ўзларининг ҳалол меҳнатлари блан қишлоқ хўжалик виставкасининг иштирокчиси деган фахрий номга эга бўлган илғор пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакорлар, лавлагикор, пиллачи ва асал-аричилар, шунингдек тракторчи ва комбайнчилар, социалистик қишлоқ хўжалигининг отоқли кишилари бу ерда ўз тажрибаларини бойитадилар ва уни янада мустаҳкамлайдилар. Мана Ўзбекистон павильонининг ичкариси. Унинг ҳамма бўлимларига қўйилган экспонатлар — пахтачилик, қоракул ва ипакчилик, боғча ва сабзавотчилик, шунингдек қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида эришилган ғоят катта муваффақиятларимизнинг жонли гувоҳи бўлиб турипти.

Бир группа меҳмонлар пахтачилик соҳасидаги ютуқларимизни кўрсатиб туручи Тошкент область, Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг стенди олдига келиб тўхтадилар. Бу колхознинг ватанпарвар а'золари ғайрат ва фидокорлик блан меҳнат қилишлари натижасида пахтачилик соҳасида йилдан-йилга катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Бу миллионер колхоз а'золари ўз далаларида пахтадан тобора мўл ҳосил етиштириш ва бошқа экинзорларни ҳам кенгайтириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Шунингдек виставкада икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган Ҳамроқул Турсунқулов раис бўлган Тошкент область, Октябрь районидаги Каганович номли колхознинг муваффақиятлари ҳам тасвирланган.

Мана Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг зали. Бу кўркам залда пахтачилик, Андатра теричилиги соҳасида эришилган ютуқлар, шунингдек Мўйноқда балиқчилик маҳсулотининг ўсиши ва бошқаларни кўрсатучи кўргазмали буюмлар қўйилган.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасидаги «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш» павильони айниқса тамошабинларнинг диққатини ўзига тортмоқда. Бу улуғвор техника саройининг 26 залига 1200 дан ортиқ хилма-хил конструкцияли машиналар қўйилган. Уларнинг ҳаммасини совет олимлари ижод қилганлар. Бу машиналар Ленинград, Харьков, Сталинград, Челябинск, Тошкент, шунингдек, бошқа шаҳарлардаги заводларда ишланган.

«Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси» киноочеркини студиянинг операторларидан ўртоқ Малик Қаюмов сурратга олган ва монтаж қилган.

А. ПУЛАТ.

Пахта йиғим-теримига бағишланган плакат, шиор, брошюралар

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг китоб савдоси Бош бошқармаси пахта йиғим-терими даврида қишлоқда китоб савдоси ва китоб пропагандасини яхши уюштириш, пахтакорларга, совхоз ва МТСларнинг ишчиларига, механик-ҳайдовчиларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида кўпгина тадбирларни амалга оширди. Бунинг натижасида дастлабки муваффақиятлар қўлга киритилди.

Бош бошқарма ташаббуси блан пахта йиғим-терими бошланган кундан то ҳозиргача ҳарбир областьда биттадан 10 та агитмашина ташкил этилди. Ҳарбир агитмашина, шунингдек кўчма киноустановкалар ўрнатилган автомашиналар ҳар турли адабиётлар блан та'минланди. Ҳозир ана шу агитмашина ва киноустановкалар ўрнатилган автомашиналарнинг коллективлари ерқали колхозларда, совхозлар ва МТСларда китоб савдоси қизитилмоқда, лекция ва докладлар, суҳбатлар ўтказилмоқда, кинофильмлар кўрсатилмоқда.

Бошқарма ва республика қутубхоналар коллектори кўчма кутубхоналар ташкил этиш соҳасида ҳам анчагина ишлар қилдилар. Ўтган қисқа давр ичида Бошқарма томонидан жойларда 2987 та, жумладан Тошкент областида 895 та кўчма кутубхона ташкил қилинди. Республика кутубхоналар коллектори дала шийпонлари учун 1200 та махсус адабиётлар комплекти юборди. Бундай кўчма кутубхоналар республикамизнинг бошқа областларида ҳам ташкил этилмоқда ва уларнинг миқдори планли равишда кўпайтирилмоқда.

Бундан ташқари жуда кўп тиражларда пахта йиғим-теримига бағишланиб ўзбек ва рус тилларида плакатлар, шиорлар, брошюралар, «Жанговар варақа»лар босиб чиқарилди ҳамда ўз вақтида жойларга жўнатилди. Булар орасида «Терим олдидан ғўза барглариии тўкиш», «Ҳамма пахта теримига», «Шаҳрисаба 1-нчи МТСининг илғор механик-ҳайдовчиси Пўлат Ражабов 1953 йилда 78 тонна пахта терди. Илғорларга тенглашингиз!», «Пахтани ўз вақтида, нобуд қилмай териб олайлик!», «Газ сушилкаси» каби плакатлар, «Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини техник қаровидан ўтказиш», «Пахта териш машинасини ишлатиш тажрибаси» сингари брошюралар бор.

Ҳозир китоб савдоси Бош бошқармасининг коллективи кўчма кутубхоналар сонини 10 мингача етказиш, қишлоқда китоб савдоси ва китоб пропагандасини янада яхшилаш, дала шийпонларини етарли миқдорда шиорлар, плакатлар, қишлоқ хўжалигига доир адабиётлар, агитаторларни эса КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари, «Жанговар варақа»лар блан тўла та'минлаш юзасидан яна қатор тадбирларни белгиламоқда.

Муҳим топшириқ

ЮМОРИСТИК ҲИКОЯ

...Ўзининг асли исми Жўра бўлса-да ҳамма ўртоқлари Жора деб атовчи кинооператор Маликов кечагина колхоздан қайтиб келди. У, борган колхозининг чорва фермасидан «Социалистик Ўзбекистон» кино журнали учун олиб келган суратларини ишлагани эрталабданоқ фотолабораториягa кириб кетиб, ҳалигача у ердан чиқмаганди.

— Жора! Маликов қаердайкин-а? Сиз ўртоқ Маликовни кўрмадингизми? — деб, киностудия директорининг секретари дуч келган одамдан сўраб, ҳовлини, павильонларни қидириб чиқди. Кимдир унинг лабораторияда эканини айтди.

Секретарь қиз лаборатория эшигини тақиллатганда:

— Ким? Нима эди? — деган савол эшитилди ичкаридан.

— Сизни директор чақираяпти, юринг! Тез бўлинг. Жуда зарур, муҳим топшириқ бор экан.

— Ўртоқ Маликов! — киностудия директори расмий равишда сўз бошлади, Маликов унинг кабинетига кириб келганда, — ҳозир муҳим бир топшириқ беришди. Директор Мирзачўл воҳасидаги «Илғор» колхози областьда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш давлат планини бажарганлигини билдирди. Сўнг яна сўзида давом этди: — Ҳозир йўлга отланинг. Яна икки соатдан сўнг сизнинг жўнаб кеттанингиз ҳақида уларга хабар қилишим керак. Вазифа: «Илғор» колхозининг илғорларини навбатдаги «Ҳафтанинг яхшиларн» журнали учун суратга оласиз.

Директор бир нафас тўхтаб, олдида турган стол календарини варақлади. «18» рақами ёзилган саҳифага етганда операторга қараб:

— Шу ойнинг ўн саккизинчи куни шу ерда бўласиз, — деди.

— Машинада жўнайманми?

— Топшириқ муҳим, тезроқ бажариш учун машина блан жўнаш ма'қул. Агар бошқа саволлар бўлмаса, муваффақият тилайман.

Орадан икки соатча ҳам вақт ўтмай, директор телефонда ким бландир гаплашаётиб: «Кинооператор Жўра Маликов ҳозиргина «Илғор» колхозига жўнаб кетди. Муҳим топшириқ айтилган муддатда бажарилади» деди.

Вақт тушга яқинлашиб қолган. Каттакон, қулоч етмас аймоқи тут тагидаги супага тангадек офтоб нури тушмайди. Супанинг бутун бўйига қаратиб солинган кўрпача устида чордона қуриб ўтирган Қўзивойака зўр бериб қийиқча блан ўзини елпийди. Унинг эплик пешонаси, гўштдор яклари устида маржон-маржон тер. У ҳар елпинганда ўзининг оғир гавдаси блан бир силкиниб қўяди. Хўрсинаётгандай оғзини тўлдириб нафас олади ва ёнидаги кўрпачани қайириб, оёғини узатиб ётган райондан келган вакилга кўз қирини ташлайди. Вакилнинг кўзи чала юмуқ: ухлаб ётиптими, ё хаёл сураётиптими, билиб бўлмайди.

Қўзивойака олдида, ҳали йиғиб олинмаган дастурхон устида иси думоққа уриб турган, мазали шўрва юқи косалар турипти. Дастурхоннинг бир чети дўппайиб турипти: кўринишидан , шишага ўхшайди.

— Қўзивойака, — деди вакил бир кўзини очиб, иягини кўтариб колхоз раисига қарар экан, — шу ётишимизда устимизга бирор нозик одам келиб қолмасмикин?

— Қаёқдан келади? — деди парвойи палак ўтирган Қўзивойака бирдан елпинишдан тўхтаб. — Райондан келадиган якка-ю-ягона тош йўлимиз бор, унинг ҳам сой ўтган ерида кўприк бузилиб ётипти.

— Ия, бўлмаса, терилган пахталарни қандай қилиб пунктга жўнатаётибсиз? — ётган еридан ярим туриб, тирсакларига таянар экан, сўради вакил (шуни ҳам айтиб қўяйлики, вакилнинг асли исми ҳам Вакил бўлиб, фамилияси Сурмаев эди).

— Бизнинг пунктимиз ёнимиздаги қўшни қишлоқ советига жойлашган. Хавотир олмасинлар...

Вакилжон яна ёстуққа бош қўйиб, кўзини юмди. Қўзивойака ҳам яна бироз елпиниб ўтирди-да кейин иссиқ тасирданми ёки «дастурхоннинг дўппайиб турган ери» зўрлик қилдими, ҳар қалай лунжи осилиб, кўзи юмилиб кетди. Энгашиб, боши ёстиққа тегди-ю хуррак овози эшитилди.

Қўзивойака уйқу деган нарса блан шундай чиқишиб кетган эдики, унинг боши ёстиққа тегса бас, ухларди қоларди. Ҳатто ба'зилар уни отда, эгар устида ҳам ухлаб кетганини кўришган. Ба'зан мажлисларда ҳам ухлаб қолаверади. Колхоз бухгалтери Тўқсонбойака уни идорасида стулга суяниб ўтириб ухлайверишини кўп кўрган. Шунинг учун: «Бу кишининг ухлашлари оппа-осон-у, лекин уйғонишлари қийин» дейди.

— Ранс ака, ҳой Қўзивойака! — дея унинг елкасидан тортабошлади супа ларида чўнқайиб ўтирган Тўқсонбойака. — Сизга айтаман, ҳой кўзингизни очсангиз-чи! Оббо, бу кишининг ухлашлари оппа-осон-у, лекин уйғонишлари қийин, туринг дейман!

Енгил-елпи турткидан кейин Қўзивойака бир кўзини очди.

— Турақолинг ўрнингиздан! Колхозимизга Тошкентдан кинога олгани келишди. «Ранс қани?», «Илғор теримчилар кимлар?», «Қайси бригададан иш бошлаймиз?» деб қисталанг қилиб, идорада ўтиришипти.

— Епирай-ей, ростданми? Бизни кинога олишармишми?

— Жуда соз иш бўпти-да! — деди Вакилжон ҳам кўзларини уқалаб, ўрнидан тураркан. — Қани вақт ўтмасин бўлмаса, уларни қайси бригадага бошлаб чиқамиз?. У, Қўзивойакага савол назари блан қараб олгач, — менимча тўппа-тўғри Берди полвон бригадасига бошлаб чиқавериш керак. Колхозингиздa ундан илғор бригада йўқ. Тўғримми? — деди.

— Тўғри! — деб розилик билдирди Қўзивойака ва ястамайгина ўрнидан турди...

Жўра Маликов ўзига хос ғайрат ва ишчанлик блан Берди полвон бригадасида ишга киришиб кетди. Бирнеча соат ичида теримчиларни якка-якка ва группа қилиб суратга олди. Хирмонда пахта ёйиб, қоплаётганларни, нима учундир бугун қўли-қўлига тегмай қолган тарозибонларни, шулар қаторида боятдан бери «уни қил, буни қил» деб юрган Қўзивойака блан Вакилжонни ҳам суратга туширди. Шундан кейин у, дала шийпонига келиб тиззаси устига ён дафтарини қўйиб, ёзабошлади. Маликов ёзар экан деярлик ҳарбир сўзни сўраб оларди:

— Демак, колхозингизнинг оти «Илғор» колхози — шундаймi? Колхознинг ўртоқ Берди полвон Мусаев бошлиқ 6 бригадаси пахта тайёрлаш планини... планини... қани айтсангизчи? Хўш, пахта тайёрлаш планини... Неча процент бажардинглар ахир?

— Олтмиш икки! деди мағрурланиб Маликов ёнида гердайиб турган Берди полвон.

— А? Олтмиш икки? — Маликовнинг қайфи учиб кетди. Кейин яна ўзини босиб олди. — Оббо сиз-эй, бир юз олтмиш икки денг! Ҳазилингиз қурсин полвон! Қайфимни учириб юбордингиз-а!?

— Йўқ, ука, ҳозирча шундай. Олтмиш икки процент бед ёзаберинг. Кейин юз бўлади!

— Ростданми? Бўлмаса колхозингиз бўйича қанча?

— Колхоз ҳам ҳозир чакки эмас? — деди Вакил. — Бутунги топширилганни ҳам қўшиб, жам'лаб айтсак 53 процентдан ошиб кетади!

Маликовнинг дафтари ерга тушиб кетди. У, ўрнидан туриб, Қўзивойакага тикилди:

— Ахир, районнинг «Илғор» колхози шуми?

— Ҳа, шу! Э, сиз тағин бошқа «Илғор» колхозини қидириб юрган бўлманг!

— Нима, бошқа «Илғор» колхозими?

— Ҳа, районимизнинг Яккатут қишлоқ советида яна битта «Илғор» колхози бор. — деди боятдан бери жим бўлиб қолган Берди полвон. — Эшитишимизга қараганда у колхоз яқинда пахта планини ҳам бажарган эмиш...

— Албатта бажаради-да! — деди тутақиб кетган Маликов зарда блан. — Тағин сиз, полвонман деб юрибсиз-а! Баракалла сизгаей, олтмиш икки процентчи!

Маликов шундай деб апил-тапил аппаратларини йиғиштириб, орқасига қарамай жўнаб қолди. Бу кутилмаган ҳолдан ранги ўчиб, ҳайрон бўлиб қолган Қўзивойака Маликов орқасидан қичқирди:

— Ука, бу кинони энди қаерда кўрсатасиз?

— Қаерда бўларди! — деди узоқлашиб кетаётган Маликов бироз тўхтаб, орқасига ўгирилди. — Бир нусхасини район партия комитети, иккинчисини обкомда қўйиб бераман! Хайр, олтмиш икки процентчи полвон!..

* * *

— Ана шундай ўртоқ Қўрқмасов, бу воқиа ўтган йили худди мана шу маҳалда юз берган эди, — деди Қўзивойака ёнида турган райком вакили Қўрқмасовга қараб. — Мен унинг орқасидан: «Ука, бу кинони қаерда қўйиб берасиз?» деб сўровдим, бошқа нусхасини обкомда кўрсатамиз!» деб кетган эди.

— Ҳа, ўшанда, — деб сўз қўшди Берди полвон, — бизнинг «хайр олтмиш икки процентчи полвон!» деб шама қилиб кетган.

— Шу бўлди-ю биз ҳаловатимизни йўқотдик, — сўзида давом этди Қўзивойака. — не-не ишлар қилмадик. Правление состави ўзгарди. Мен кундуз уёқда турсин тунлар ухламайдиган бўлиб қолдим. Хуллас, кеч кузга бориб, колхозимиз йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. У бўлди, бу бўлди ўрта ичида мен уйқу касалимдан айрилдим...

Ҳаммалари кулишди.

— Вакилжон деган вакилимиз-чи, тоза боқибеғам, фе'ли кенг одам эди, — деди Берди полвон. — Қани энди сал колхоз ишта қайнисса, қўлини совуқ сувга урмасди. Кейин райкомдан чақириб олишди. Ўрнига мана бу йил ўзлари...

Қўрқмасов чиндан ҳам аввалги вакилга ҳеч ўхшамасди. Колхозга келиб тушган куниёқ ишга киришиб кетди. Бригаларда «Жанговар варақа»лар чиқарди. Икки марта лекция ўқиб берди. Илғор теримчиларнинг тажриба алмашув йиғилишини ўтказди. Раис Қўзивойака пиншинга кириб кетмай, у блан келишиб, ҳарбир ишни ўртоқлашиб ишлади...

Мана бу йил колхоз областьда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарди. Колхозчилар умумий йиғилиш ўтказиб, план устига яна 40 процент миқдорида давлатга қўшимча пахта топириш мажбуриятини олдилар. Бугун улар райондан келадиган катта тош йўл ёқасида, йўлга кўз тикиб туришарди.

— Бу сафар биз колхозимизга адашиб келиб қолучи кинооператорларни эмас, колхозимиз кишиларини, менинг бригадам а'золарини кинога олиш учун муҳим топшириқ блан махсус келаётган тошкентли операторларни кутаётибмиз, — деди Берди полвон ўзида йўқ мамнун. — Қани бугун ҳам менга «Олтмишикки процентчи полвон!» деб кўрсин-чи! Нақ бирюз олтмиш икки процент блан пешвоз чиқаман. Ҳа, полвоннинг ҳам тили узун бўлиб қолди! Олдинги қаторга ўтиб, расмга тушсак энди ярашади!

— Сиз нима дейсиз, Қўзивойака? — мийигида кулиб сўради Қўрқмасов.

— Мен нима дердим, — жавоб берди раис. — Менинг гапим қисқа. Аввало шуни айтайки, ўша ўтган йилги сабоқ бизга етарли бўлди. Чунки, халқимиз яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи, дейди. Биз ҳам худди ана шундай енгил бир турткидан эсини йиғиб олдиганларданмиз.

— Ҳа, Қўзивойакам эсим борида эсимни йиғиб олдим, демоқчилар.

— Полвон шу гапингиз замирида қизим сенга айтаман, келиним сен эшит мақоли бўлиб, бир чеккаси ўзингизга ҳам тегадими-а? — деди Қўрқмасов Берди полвонга қараб кулиб.

— Ана, келишдингизми! — деб қичқириб юборди Берди полвон.

Ҳаммалари катта тош йўлга қарашди. Узоқдан ўтган йили худди мана шу маҳалда колхозга адашиб келиб қолган кинооператор Жўра Маликовнинг таниш машинаси кўринди. Машина «Илғор» колхозига ғизиллаб учиб келмоқда эди...

Сами' Абдуқаҳҳор.

БМТ Бош Ассамблеясининг IX сессияси

ЮРИДИК КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 16 октябрь. (ТАСС). Кеча Бош Ассамблеянинг Юридик комитети агрессия та'бирини белгилаб бериш ҳақидаги масалани муҳокама қилишга киришди. Ма'лумки, бу масала Совет Иттифоқи томонидан Бош Ассамблеянинг 5-нчи сессияси муҳокамасига 1950 йилдаёқ тақдим этилган эди. Ҳозирги вақтда Юридик комитет агрессия та'бирини белгилаб бериш ҳақидаги масалани дастлаб ўрганиб чиқиш учун Бош Ассамблея VII сессиясининг қарори бўйича ташкил қилинган махсус кичик комитетнинг докладини кўриб чиқиши лозим.

15 давлат вакилларидан иборат бўлган мазкур махсус кичик комитетнинг докладида та'кидлаб ўтилишича, комитетнинг кўпчилиги, шу жумладан СССР, Франция, Польша, Сурия делегациялари ва бошқа мамлакатларнинг делегациялари шундай деб ҳисоблайдиларки, халқаро тинчликни ва хавфсизликни сақлаш мақсадида агрессия та'бирини белгилаб бериш мумкин ва мақбулдир, агрессия та'бирининг белгилаб берилиши «эҳтимол тутилган агрессорни муваффақият қозонишга бўлган ишончидан маҳрум этади, унинг учун жиддий огоҳлантириш бўлади» ва «кимнинг агрессор эканлигини аниқлаш зарур бўлиб қолган тақдирда ўзбошимчалик блан қарорлар чиқарилишига йўл қўймаслик» имкониятини беради. Докладда та'кидлаб ўтилишича, комитетдаги АҚШ делегацияси бошчилигидаги озчилик агрессия та'бирини белгилаб беришга умуман қарши чиққан.

Юридик комитет мажлисида сўзга чиққан СССР вакили П. Д. Морозов та'кидлаб ўтдики, агрессия та'бирини белгилаб берган вақтда агрессиянинг энг хавфли формаси бўлган, я'ни миллионмиллион кишиларнинг ҳалок бўлиб кетишига, кўп авлодлар фидокорона меҳнат қилиб вужудга келтирган моддий ва маданий бойликларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўладиган қуролли ҳужум та'бири энг муҳим аҳамиятга эгадир. Совет таклифида кўрсатиб берилган қуролли ҳужум та'бири жуда содда ва равшандир.

Қандай баҳона ва қандай сабаб блан бўлмасин уруш чиқариш ташаббусини биринчи бўлиб ўз зиммасига олган ҳарбир давлат бундан келиб чиқадиган ҳамма оқибатлари блан агрессор деб э'лон қилиниши лозим.

Шунга мувофиқ, СССР делегацияси таклиф қиладики, Ассамблея бундай деб э'лон қилсин: «биринчи бўлиб қуйидаги ҳаракатлардан бирини қилган давлат халқаро конфликтда ҳужум қилган давлат деб танилади:

а) бошқа давлатга уруш э'лон қилган давлат;

б) қуролли кучлари, гарчи уруш э'лон қилмасдан туриб ҳам, бошқа давлатнинг территориясига бостириб кирган давлат;

с) қуриқлиқдаги кучлари, денгиз ёки ҳаво кучлари бошқа давлатнинг территориясини бомбардировка қилган ёки билатуриб шу бошқа давлатнинг кемаларига ёки ҳаво кемаларига атака қилган давлат;

д) қуриқлиқдаги кучларини, денгиз ва ҳаво кучларини бошқа давлат ҳукуматининг рухсатисиз ана шу бошқа давлатнинг тупроғига туширган ёки киритган, ёхуд ана шундай рухсатнинг шартларини, жумладан, бу кучларнинг туриш муддати ҳақидаги ёки улар турадиган район доираси ҳақидаги шартларни бузган давлат;

е) бошқа давлатнинг қирғоқларини ёки портларини денгиздан блокада қилиб қўйган давлат;

ф) ўз территориясида ташкил қилиниб бошқа давлатнинг территориясига бостириб кирган қуролли босқинчи тўдаларга мадад берган, ёхуд ҳужум остида қолган мамлакатнинг талаб қилишига қарамай, ўша босқинчи тўдаларни ҳарқандай ёрдам ёки ҳимоядан маҳрум этиш учун ўз территориясида қўлидан келган ҳамма чораларни кўришдан бош тортган давлат».

Агрессия та'бирини белгилаб беришнинг роли ва аҳамияти, деди совет вакили, яна шу жиҳатдан айниқса муҳимдирки, ҳозирги вақтда ҳам турли агрессив гуруҳлар тузилишини мудофаа иттифоқлари тузиш деб тасвирлашга уринишлари озмунча эмас. Буни э'тиборга олмасдан бўлмайди.

Совет Иттифоқи барча тинчликсевар халқларнинг манфаатларини кўзлаб иш кўриб, тинчлик ишини қат'ият ва изчиллик блан ҳимоя қилмоқда, янги уруш хавфини йўқотиш ва шундай қилиб, янги сон-саноқсиз азоб-қулфатларнинг олдини олиш ҳамда миллион-миллион кишиларнинг ҳалок бўлиш хавфинини олдини олиш учун жиддий ва амалий тадбирлар кўришни талаб этмоқда. Ана шунинг учун Совет Иттифоқи, жумладан, агрессия та'бирини белгилаб бериш соҳасидаги ишнинг тезроқ тугалланишини қат'ият блан талаб қилмоқда.

Бош Ассамблеянинг бундан аввалги сессияларидаги дискуссия вақтида Осиё, араб ва Латин Америкаси мамлакатларидан бирқанчасининг делегациялари агрессия та'бирига фақат қуролли ҳужум та'бирининигина эмас, балки эгри йўллар блан бўладиган агрессия, иқтисодий ва идеологик агрессия та'бирларини ҳам киритишни қувватлаб чиқдилар. Ана шу истакларни э'тиборга олиб, Совет таклифидаги агрессия та'бирига қўшимчалар киритилди.

Сўнгра совет вакили бундай деди: агрессия та'бирини белгилаб бериш масаласи Бош Ассамблеянинг VII ва VIII сессияларида муҳокама қилинган вақтда шундай деб та'кидлаб ўтилган эдики, гарчи совет та'бирига санаб ўтилган ҳаракатлар албатта агрессия актлари бўлса ҳам, бу та'бирда санаб ўтилган ҳаракатлар ҳамма нарсани ўз ичига олади деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди, чунки башарти агрессор бу та'бирни тайёрлаётган пайтда олдиндан кўриб билиш мумкин бўлмаган методлар блан ҳаракат қилса, у вақтда агрессорни аниқлашда қийинчиликлар рўй берган бўлур эди. Ана шу мулоҳазаларни назарда тутиб, СССР томонидан 1953 йилда тақдим этилган та'бирга янги модда киритилди, бу моддага биноан, давлатларнинг ана шу та'бирда кўрсатилмаган бошқа ҳаракатлари ҳам агрессия деб қаралиши мумкин, ҳарбир конкрет эҳтимолда Хавфсизлик Кенгашининг қарори блан бу ҳаракатлар ҳужум деб ёки иқтисодий, идеологик агрессия деб ёхуд эгри йўллар блан қилинган агрессия деб танилади.

СССР делегацияси деди П. Д. Морозов, агрессия та'бирини белгилаб бериш масаласи юзасидан Совет делегацияси киргизган таклифларни бошқа ҳамма делегациялар қувватлайдилар деб ишонади, чунки бу та'бир барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос келади, бу та'бирнинг Бош Ассамблея томонидан ма'кулланиши тинчликни ва умумий хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлур эди.

Кечаги мажлисда Панама ва Куба вакиллари ҳам сўзладилар, улар тинчлик ишини та'миндаш учун агрессия та'бирини белгилаб бериш зарурлигини принцип жиҳатдан қувватладилар.

Комитет бу масалани муҳокама қилишни давом этдирмоқда.

Сиёсий комитетда

НЬЮ-ЙОРК, 15 октябрь. (ТАСС). Кеча Сиёсий комитетнинг эрталабки мажлисидаги умумий дискуссияда Бельгия, Югославия ва Филиппин вакиллари сўзладилар.

Бельгия вакили ўз сўзида қуролсизланиш ва атом қуролини тақиқлаш юзасидан бўлган ба'зи масалаларда томонларнинг позициялари яқинлашиш тенденцияси рўй берганлигини айтиб ўтди. У қуролсизланиш комиссиясининг иши учун вазият умуман яхшиланганлигини та'кидлади ва шу муносабат блан Совет Иттифоқининг таклифларига ижобий баҳо берди. Бироқ у, кўпгина моддалар юзасидан жиддий ихтилофлар мавжудлигини, жумладан, қуролсизланиш ҳажмлари, контроль органнинг функциялари ва ваколатлари ҳақидаги масалада жиддий ихтилофлар борлигини айтди. Бельгия вакили контроль органга инспекция ва жазо чоралари кўриш соҳасида ваколатлар беришни ёқлаб гапирди. Сўнгра у айтдики, ана шу юз берган қулай шароитда масалани қуролсизланиш комиссиясида муҳокама қилишни давом этдириш мақсадга мувофиқ, чунки ихтилофлар, унинг айтишича, асосан техника характеридаги масалаларга таллуқлидир.

Югославия вакили та'кидлаб ўтдики, совет таклифлари қурол-яроғларни камайтириш ва ядро қуроли ишлатишни тақиқлаш ҳақидаги масалаларда муваффақиятга эришиш имкониятини беради. Югославия делегати муҳокама қилинаётган проблема юзасидан ихтилофлар борлигини та'кидлаб санкциялар тўғрисидаги масала юзасидан қарор Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинсин, деди. Югославия делегати айтдики, қурол-яроғларни камайтириш ва ядро қуроли ишлатишни тақиқлаш ҳақидаги масалада муваффақиятни та'минлаш учун, шунингдек халқаро конвенцияни муваффақиятли равишда амалга ошириш учун ҳамкорлик ва ўзаро ишонч руҳини тиклаш зарур. Югославия делегати қуролсизланиш масаласидаги ҳарбир муваффақият халқаро муносабатларга бевосита та'сир кўрсатишига э'тиборни жалб қилди.

Филиппин делегати турли таклифларни мувофиқлаштириш учун «иш группаси» тузиш ҳақидаги ўз таклифини яна қувватлади.

Сиёсий комитет бугун дискуссияни давом этдиради.

МАХСУС СИЁСИЙ КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 15 октябрь. (ТАСС). Кеча Махсус сиёсий комитет Бирма Иттифоқининг томиндвчи босқинчи тўдалар томонидан унга қарши қилинган агрессия ҳақидаги шикояти юзасидан умумий дискуссияни тамомлади ва 13 октябрьда тақдим этилган ўнбир мамлакат резолюциясини муҳокама қилишга киришди.

Уругвай, Покистон, Эфиопия ва Ҳиндистон вакиллари ўз нутқларида Бирма территориясида ҳаракат қилаётган гоминданчи шайкалар томонидан Бирманинг суверенитетига хавф солинаётганлигига э'тиборни жалб қилдилар ва Бирма ҳукуматининг шикоятини қўллаб-қувватладилар.

Бугун комитетда юқорида айтилган резолюция проекти овозга қўйилади, сўнгра кун тартибидаги иккинчи модда: «Жанубий Африка Иттифоқида ҳинд миллатидан бўлган кишиларнинг аҳволи» ҳақидаги модда муҳокама қилинабошланади.

Хавфсизлик Кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 15 октябрь. (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди. Бу мажлис «савдо кемаларининг Сувайш канали орқали Исроилга ўтиши чекланаётганлиги» тўғрисида Исроил ҳукуматининг Миср ҳукумати устидан қилган шикояти муносабати блан чақирилган эди. Миср ма'мурлари 28 сентябрьда Сувайш каналида Исроил давлатига қарашли «Бат галим» савдо кемасини ушлаб қолганликлари муносабати блан Исроил ҳукумати мазкур шикоятни тошширган эди.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин, Хавфсизлик Кенгаши Исроил ва Миср вакилларининг сўзларини эшитди. Улар ана шу низо ҳақида ўз фикрларини баён қилдилар. Хавфсизлик Кенгаши Бразилия делегатининг араб мамлакатлари блан Исроил ўртасида тузилган яраш битимининг бажарилишини кузатиб туручи аралаш комиссиянинг доклади олинганига қадар бу масалани қараб чиқмаслик тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Франция Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми

ПАРИЖ, 15 октябрь. (ТАСС). Бугун Парижда Франция Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми очилди. Пленумнинг кун тартибида герман милитаризмининг қайтадан тикланишига қарши кураш ва тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисидаги масала турибди (докладчи — Марказий комитет Сиёсий бюросининг а'зоси Лоран Казанова).

Ханойда Вьетнам Демократик Республикаси министрлар кабинетининг мажлиси

ШАНХАЙ, 15 октябрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги билдиради:

Э'лон қилинган ахборотда айтилишича, 12 октябрьда Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти Ханойда министрлар кабинетининг мажлиси бўлган.

Мажлисда қуйидагилар та'кидланган: Ханой бугун аҳолининг ғайрати бениҳоя ўсган бир вазиятда Вьетнам Демократик Республикасига тошширилди. Аҳоли Вьетнам Халқ армиясининг пойтахтга кириб келишини қизғин табриклади. Ханойда тартиб ва осойишталик та'мин-ланди; шаҳардаги ҳаёт нормал йўлга қўйилди. Министрлар кабинети, Ханойнинг уюшқоқлик блан Вьетнам Демократик Республикаси ихтиёрига тошширилганлиги пойтахт аҳолисининг ватанпарварлигини, Вьетнам Халқ армиясининг интизомли эканлигини исбот қилади, деб та'кидлади.

Министрлар кабинети Халқ армиясини ва кадр ходимларни пойтахт муваффақиятли суратда тошширилган вақтда кўрсатган ғайратлари учун табриклашга қарор қилди.

Ханой озод қилинганлиги муносабати блан Министрлар кабинети маҳбусларга амнистия беришга қарор қилди.

Румнинияда совет китоби ва матбуоти ҳафталиги

БУХАРЕСТ, 15 октябрь. (ТАСС). Кеча Руминияда совет китоби ва матбуоти ҳафталиги бошқа шунга ўхшаш ишлар блан Бухарестдаги «Картя руса» китоб магазинида китоб бозорини тантанали суратда очиш маросими ўтказилди.

Крайова, Констанца, Плоешти, Палацеда ва мамлакатнинг бошқа кўпгина шаҳарларида ҳам китоб бозорлари очилди.

Руминия нашриётлари Руминия-Совет дўстлиги ойлиги муносабати блан рус классиклари ва совет ёзучиларининг бирқанча янги китобларини, шу жумладан, Л. Н. Толстой асарларининг 2-нчи ва 4-нчи томларини, А. С. Пушкин танланган асарларининг икки томлигини, А. П. Чехов асарларининг биринчи томини, М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романини ва бошқа китобларини нашр этдилар.

Руминия Халқ Республикасида рус классикларининг ва совет ёзучиларининг асарлари ғоят севиб ўқилмоқда.

Ўтган ўн йил ичида Руминияда румин тилида ва майда миллатларнинг тилларида 7 минг хил номли бадиий, сиёсий ва илмий-техника адабиёти рус тилидан таржима қилиниб нашр этилди. Бу китоблар жам'и 75 миллион нусхадан ортиқ нашр этилди.

Руминияда совет матбуоти кенг тарқалмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 400 дан ортиқ ҳархил номли совет газеталари ва журналлари тарқатилмоқда. Бу йил совет газета ва журналларига обуначи бўлиб ёзилганлар сони қариб 300 минг кишига етди.

Болгарияда М. Ю. Лермонтов асарларининг нашр этилиши

СОФИЯ, 15 октябрь. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги билдиради: Болгарияда М. Ю. Лермонтов асарлари ғоят севиб ўқилмоқда. М. Ю. Лермонтовнинг асарлари жуда кўп нусхада нашр этилмоқда. Болгар тилида Лермонтовнинг 57 асари 201.700 нусха нашр этилди.

Лермонтовнинг болгар тилига таржима қилинган асарлари бирнеча марта босиб чиқарилди. Масалан, «Замонамиз қаҳрамони» 15 марта, «Демон» 12 марта, «Қочқин» 7 марта, «Бояр Орша» ва «Савдогар Калашников тўғрисида қисса» 6 мартадан нашр этилди.

Ҳиндистон бош министри Неру Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди

ДЕҲЛИ, 15 октябрь. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Джавахарлал Неру бугун визит блан Хитой Халқ Республикасига учиб кетди. Бош министр Неру блан бирга унинг қизи Индира Ганди хоним ва Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Н. Р. Пиллаи ҳам учиб кетдилар.

Аэродромда Нерини Ҳиндистон президенти Раджендра Прасад, министрлар, дипломатик корпуснинг а'золари, Хитой Халқ Республикаси савдо делегациясининг а'золари ва бошқалар кузатиб қолдилар.

Неру Пекинга бориш йўлида Рангун, Вьен-Тьян ва Ханойда тўхталиб ўтади.

«Финляндия-Совет Иттифоқи» жамиятининг 10 йиллиги

ХЕЛЬСИНКИ, 15 октябрь. (ТАСС). Бугун «Финляндия-Совет Иттифоқи» жамияти ташкил этилганига 10 йил тўлди. Шу муносабат блан демократик матбуот жамиятнинг 10 йиллигига бағишланган бошмақола ва бошқа материалларни босиб чиқармоқда. Бу мақола ва материалларда жамият ўтган 10 йил ичида фин халқи кенг доираларининг жамияти сифатида оммавий ташкилотга айланганлиги уқтириб ўтилади. Жамиятнинг обрўси анча ошди, унинг ишлари яхшиланди. Жамият Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини кучайтириш учун, Финляндия халқини Совет Иттифоқидаги ҳаёт блан, совет маданияти блан таништириш учун кўп иш қилди.

Тошкентда

Суратда: сув сепучи автомашина моқда. Революция скверида кўчага сув сепмоқда. А. Аверьянов фотоси.

Республика юбилейига тайёргарлик

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи республика жамиятининг бошқармаси Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейи шарафига катта тайёргарлик кўрмоқда. Тарих фанлари кандидатлари Х. Турсуновнинг «Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги» ва Зуфаровнинг «Совет Ўзбекистонида индустриянинг ривожланиши» деган темаларда ёзган брошюралари давлат нашриётига топширилди.

Шунингдек, шаҳардаги саноат корхоналари, ўқув юртлари, техникумларида ва аҳоли ўртасида «Ўзбекистон республикасидаги енгил саноат корхоналарида меҳнат унумини ошириш», «Ўзбекистон ССРда фан ва маданиятнинг ривожланиши», «Ўзбекистон — СССРнинг асосий пахта базаси» каби бирқанча темаларда лекциялар ўқилмоқда. Турсунов, Шек, Ананьев ва Ланда ўртоқлар томонидан ўқилаётган бу лекцияларга мингларча меҳнаткашлар қатнашаётир.

Шу кунларда сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи область жамиятининг лекторлари пахтакор колхоз далаларига бориб, колхозчиларга республикамизнинг 30 йил ичида эришган муваффақиятлари тўғрисида мазмунли лекциялар ўқиб бермоқдалар.

Касаба союз ташкилотларига ёрдам

Ўзбекистон ССР Маданият ходимлари касаба союз комитети область, шаҳар ва районлардаги касаба союз ташкилотларига ўз ёрдамини кучайтирмоқда. Республика комитетининг ташаббуси блан жойларда касаба союз ташкилотлари раисларининг йиғилишлари ўтказилмоқда, ходимлар ўз тажрибалари блан ўртоқлашмоқдалар. Шунингдек уларнинг ихтисосини ошириш юзасидан семинарлар ўтказилаётир.

Бу йил республика маданият ходимлари касаба союз комитети Тошкент шаҳридаги саноат корхоналар ва полиграф корхоналарида ишлаётган касаба союз ташкилоти раисларининг ихтисосини ошириш юзасидан бирқанча семинар ўтказди. Бунда ишчилар ўртасида социалистик мусобақани уюштириш, оммавий-маданий ишларни олиб бориш ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳақида бирқанча темаларда лекциялар ўқилди.

Шу кунларда республика касаба союз комитети республикамизнинг 30 йиллигига катта тайёргарлик кўрмоқда. Жойлардаги касаба союз ташкилотларига республикамизнинг 30 йил ичида эришган муваффақиятларини акс этдиручи лекцияларнинг материаллари юборилмоқда.

Пионер саройида

Островский номидаги пионерлар саройи йилдан-йилга обод бўлиб, шаҳар мактаб ўқучиларининг севимли жойига айланмоқда. Саройнинг аллея ва йўлкалари тўла асфальтлаштирилди. Шу йилнинг кейинги ойлари ичида 1800 квадрат метр жойга асфальт ётқизилди.

Тошкент шаҳар халқ маориф бўлими пионерлар саройидаги биноларни капитал ремонтдан чиқариш учун қўшимча равишда 200 минг сўм маблағ ажратди. Ҳозир барча бинолар юқори сифатли қилиб, ремонтдан чиқарилмоқда. Шунингдек, фан кабинетларига керакли инвентарлар келтириб, ўқув қуроллари блан бойитилмоқда.

Ёш композитор А. Муҳамедовнинг асарлари халқимиз ўртасида кенг тарқалган. Айниқса унинг «Яша хур Ватан», «Дўстлик қўшиғи» каби оммавий қўшиқлари меҳнаткашларга манзур бўлмоқда. Суратда: композитор А. Муҳамедов янги асар устида ишламоқда. А. Аверьянов фотоси.

Янги тўқимачилик машиналари

Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводининг коллективи мамлакатнинг тўқимачилик саноати учун янги йигириш машиналарининг дастлабки партияларини ишлаб чиқарди.

Байрамолди мусобақаси кунларида машинасозлар жун ва мовут калаваси ишлаб чиқариш учун узлуксиз ҳаракат қилиб турадиган йигириш машиналарини биринчи марта ишлаб чиқардилар. Завод коллективи мамлакатимиз ип-газлама саноатининг янги қурилишлари учун янги хил йигириш машинасини ишлаб чиқарди. Янги агрегатнинг ип тортадиган асбоби илгариги нусхасига қараганда икки баравар қувватлироқдир. Бу эса йигириш процессини тезлатиб, машинанинг иш унумини оширади.

Тўқимачилик саноати учун ишлаб чиқарилган янги машиналарнинг конструкциясини «Таштекстильмаш» заводининг бир группа мутахассислари тузган.

Ишчилар учун уй-жойлар

«Ташхлопкомаш» заводи дирекцияси ва касаба союз ташкилоти ишчиларнинг маданий ҳаёт кечиришлари ва яхши дам олишлари учун қулай шароитлар яратиб бермоқда. Завод ташқарисидаги боғда маданий дам олиш жойи ташкил этилди.

Яқинда завод ишчи, инженер-техник ходимлари учун ҳарбири 10 квартирага эга бўлган тўртта уй-жой биноси қурилди. Корхона меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 37 йиллигини шу янги уйларда байрам қиладилар.

Янги маданий-маиший бинолар

Октябрь районидаги колхоз мол-саноат моллари бозори қайта қурилиб, обод бўлмоқда. Бу ерда 8 та янги дўкон қурилади. Шаҳар бозорлар бошқармаси бино учун 450 минг сўм маблағ ажратди.

Булардан ташқари, бозорнинг 5 гектарли майдонига асфальт ётқизилади. Сув чиқарадиган электр мотор ўрнатилади. Ветиринария пункти ҳам очилди. Бу тадбирлар амалга оширилиши туфайли аҳолига хизмат кўрсатиш янада яхшиланади.

СУД ЗАЛИДАН

Қотил ўлим жазосига ҳукм қилинди

Фозил Ўлжаев 1954 йилга қадар 2 марта уйланган. Биринчи хотини Р. блан 1946 йилгача турмуш қилган ва ундан 3 бола кўрган. Ўлжаев ўз болаларини тарбиялаш ўрнига ичкиликбозликка берилиб, айш-ишрат йўлига кириб кетди. У ўз хотини Р. ни хўрлади, урди, ҳақоратлади ва охири уйидан қувиб юборди. Сўнгра Ўлжаев 1952 йили Ш. исмли хотинга уйланган. Унга ҳам ўзининг жабр ва зулмини ўтказган. Шу сабабли ҳам Ш. Ўлжаевнинг уйидан қочиб кетишга мажбур бўлган.

Ўлжаев яна уйланиш пайига тушди ва охири 1953 йилнинг майида Мирзачўл шаҳрида туручи Рихси Аҳмеджонови ўз тузоғига илинтириб, уни Мирзачўлдан ўзининг тураржойи Ховос районига олиб кетади. Ўлжаев уйланганидан кейин куни бўйи ичкиликка берилиб, яна ўз онасини унутиб қўйди. Ўлжаев Аҳмеджоновни ҳаддан ташқари хўрлади. Ҳар куни маст бўлиб келиб ўз хотинини ваҳшийларча ураберди. Ўлжаевнинг жабрига тоқат қилмаган Аҳмеджонова ўз онаси Умурзоқовани уйига бориб туришга мажбур бўлади.

Бунга чидамаган Ўлжаев хотини Аҳмеджонова ва унинг онаси Умурзоқовани ўлдириш пайига тушади. У, 15 августда кеч соат 11 ларда болта ва пичоқ блан қуролланган ҳолда Аҳмеджонова ва Умурзоқова ётган ҳовлига бостириб кириб, Аҳмеджонованинг боласини эмизиб ётган жойида «нимага уйга бормадинг» деб болта блан чопиб ўлдиради. Бу блан қаноатланмаган қотил 54 ёшли Умурзоқовани ҳам чопиб, ўлдиради.

Тошкент область судининг сайёр жиноят судлов коллегияси Мирзачўл шаҳрида очиқ суд мажлисида қотил Ўлжаевнинг ишини кўриб, уни СССР Олий Совети Президиумининг 1954 йил 7 апрельдаги «Қастдан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлигини кучайтириш ҳақида»ги Фармонига асосан энг олий жазо — отишга ҳукм қилди.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкентда ҳаво бироз ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 22—24 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/X да кундуз **Юрак сирлари**, кечкурун **Қутлуғ қон**, 19/X да **Ҳамза**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА — 18/X да **концерт**. Концертда Ўзбекистон давлат филармониясининг хор капелласи, бадиий раҳбар — **С. А. Валенков**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова**, Алишер Навоий номли театр ва филармония солистлари қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **катта цирк тамошалари**. Аттракцион — **«Ўргатилган ҳинд филлари»**. Ўргатучи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Корнилов**. Бугун **3 марта тамоша**. Тамошалар кундуз соат 1,4 ва кеч 8 да бошланади.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «УДАРНИК» — **Нюрнбергдан чиққан экспресс**.

ПУШКИН номли — **Дайди** (1-нчи серия).

«9-НЧИ МАЙ» — **Довул**.
«ИСКРА» — **Биринчи қўлқоп**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» — янги чехословак бадиий фильми **Нюрнбергдан чиққан экспресс**.

1954 йил 29 октябрь соат 14 да Ўрта Осиё политехника институти геология-разведка ва кон факультетларининг бирлашган илмий советида (Гоголь кўчаси, 68-нчи уй)

П. К. Савченко

техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Горизонтал ва нишоб кўмир конлари учун очиқ ишлаш системаларини текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАИДИ

Диссертация блан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Й. Колас кўчаси, 16-нчи уй).

„Тошкент ҳақиқати"
ва
„Ташкентская правда"
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
ноябрь ойи учун ва 1954 йилнинг охиригача
обуна қабул қилиш давом этмоқда

Айрим кишилардан обуна муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек почта ва «Союзпечать» бўлимларида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Шахрисабз кўчаси, 132-нчи уйда туручи **Файруза Сибгатовна Ибрагимованинг** Абдулла Ибрагимович Ибрагимовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 07570. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1468.